Оила ва Жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

23 (969)-сон

10 — 16 июнь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

3

АЁЛИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

СОВЧИЛАР БАХТ ЭЛЧИЛАРИ БЎЛСИН!

4

12

АЙБ СЕНДАМИ Ё МЕНДА?

ёхуд нега ўғил болалар туғилиши муаммога айланмоқда

«ЖЧ–2010»НИ ЎЗБЕК ҲАКАМИ ОЧИБ БЕРАДИ!



14

2010 — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

— Мен учун Ватанимнинг ҳар қарич тупроғи, дала-дашти, гулу гиёҳи азиз ва мукаррамдир. Бағрикенг, меҳр-мурувватли одамларини таъриф-тавсиф этмоққа эса сўз тополмайман, — дейди Китоб туманидаги 5-сонли Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси, эндигина 12 ёшни қаршилаган шоиртабиат қизалоқ Мафтуна Раҳматуллаева.

Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

КЕЧА:

➔ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига оид фильм тайёрланди.

➔ Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида йигирмага яқин давлат вакиллари иштирокида самбо бўйича ўтказилган Осиё очиқ чемпионатида умумжамоа ҳисобида юртимиз самбочилари биринчи ўринни эгаллашди.

БУГУН:

➔ Тошкентда 10-11 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти(ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланади. Ушбу саммитнинг бош форумини кенг ёритиш учун турли оммавий ахборот воситаларидан уч юзга яқин вакил, қарийб 200 нафар маҳаллий журналист қатнашади.

➔ Бундан роппа-роса 11 йил аввал(1999) Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган эди. Бугунги кунгача ана шу нуфузли мукофот совриндорлигига жами 154 нафар иқтидорли қиз сазовор бўлди.

ЭРТАГА:

➔ Миллионлар, йўқ, миллиардлар севган ўйин деса арзийдиган футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати тантанали суратда очилади!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Видеобар ва компьютерхоналарга чеклов борми?	4
Биз энг ёмон билган нарса	5
Қайнона бежизга «қайнамас»	5
Куюқ зиёфат — соғликка офат	6
Бепуштлик масаласи қай пайтда қўйилади?	6
Қўли бўёқ қизалоқ	7
Теледастурлар	8–9
Безовта руҳ	11
Иқтидори — тоқат бўлган ёзувчи	13
Хатога йўл қўйиш уятми?	15
Онасини топган Ёдгора	16

БАХТ ОСТОНАСИ

КЎЗЛАРДА ЁШ ЭМАС, ҚУВОНЧ КЎРАЙЛИК

"Болали уй бозор" деган халқона ҳикмат замирида бир дунё маъно-мазмун мужассам. Чунки ҳар бир оилани мустаҳкамлаб, унинг тинч-тотувлигини кўринмас ришталар орқали чамбарчас боғлаб турувчи куч ҳам фарзанддир. Эртанги кун эгаларининг камолоти, таълим-тарбияси йўлида ғамхўрлик қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш ишига юртимизда давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Шу ўринда Юртбошимизнинг " Оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир" деган пурҳикмат сўзлари моҳиятини бир тасаввур қилайлик. Бизнинг Шарқда оилага ниҳоятда жиддий эътибор берилган ва асосийси, оталик, оналик вазифалари қатъий белгилаб қўйилган. Шу билан бирга фарзандлик бурчлари ҳам унутилмаган. Бу эса Бош қомусимизда ҳам ўз ифодасини топганлиги жамиятимизда оиланинг муқаддаслиги кафолатланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Эътироф этилганидек, дунёнинг ҳеч бир давлатида биздагидек, ёшлар, яъни баркамол авлодга эътибор, ишонч туйғуси шаклланмаган. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз ёшлар тарбияси, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида ҳеч бир саъй-ҳаракатларни аямадилар. Ниҳоят, бугунги кунга келиб ана шу хайрли ишлар ўз мевасини бера бошлади. Истиқлолимиз билан тенгдош бўлган йигит-қизлар айни камолот

босқичига етдилар.

Оддийгина мисол: бизнинг ФҲДЁ бўлимимиз шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар ва халқ таълими бўлимлари, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаласи ва бошқа нодавлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этаётган тадбирлар дастурида энг аввало, оилада ота-оналар зиммасидаги масъулият, қолаверса, фарзандларнинг ҳам ўз бурч ва вазифаларини адо этишлари билан боғлиқ долзарб масалалар кенг муҳокама этилмоқда. «Баркамол авлод йили Давлат дастури»да барча соҳа вакиллари зиммасига энг муҳим ҳаётий вазифалар юклатилган. Шу жумладан, ФҲДЁ бўлимлари фаолиятининг асосий мезонларидан бири, бу янги оила соҳибларини ҳаётга тайёрлашда қўйилаётган талаблардир. Аёнки, умид билан қурилаётган оила пойдеворининг мустаҳкамлиги энг аввало бизнинг ҳузуримиздаги мулоқотларга ҳам боғлиқдир. Чунки аслида ҳеч ким омонат яшайман, эртага бир ёки икки фарзанд бўлгач, ажралиб кетавераман, деб никоҳ аризасини ёзмайдику! Асосийси, иккала ёшнинг ҳам катта ҳаёт синовларига қай даражада тайёр ёки тайёр эмаслигини синовдан ўтказиш айнан мана шу остонадан бошланади. Шу боис биз ҳар доим ёшларга етти ўлчаб, бир кесмоқни маслаҳат берамиз. Нега десангиз, оқилона, бамаслаҳат амалга ошган ишнинг хотимаси ҳамиша хайрли якун топади. Ана шундагина фарзандлар кўзларида ёш эмас, ёпёруғ нурлар кўрамиз.

Муҳайёхон ОХУНЖОНОВА,
Кўқон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ

Бугунги кунда "Оилавий тадбиркорлик" деган тушунчани жуда кенг маънода изоҳлаш мумкин. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида қонуний фаолият юритиш орқали бемалол бойиш ва ўзи орзу қилганидек, ҳаёт кечириш имконияти туғилди. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йилнинг 29 июлида қабул қилинган "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган мақсад ва вазифалар ниҳоятда долзарблиги билан аҳамиятлидир.

"Оилавий тадбиркорлик" деганда биламизки, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган мулк негизида амалга ошириладиган ҳамда шу оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Албатта, бу фаолият тури билан шуғулланмоқчи бўлганлар тегишли ҳужжатларни расмийлаштиргач, белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда иш бошлайдилар. Оила аъзоларидан биттаси эр ёки хотиннинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги ушбу фаолиятни бошлашга асос бўлади. Албатта, фаолият кўрсатиш жараёнида меҳнат муносабатлари, шу жумладан, ишга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари ҳам оила даврасида мустақил равишда тартибга солинади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: оила аъзоларининг тадбиркорлик билан машғул бўлишида ёш масаласи қандай ҳал этилади? Табиийки, бу борада ҳам қонуний асосга таянилади. Яъни оила аъзоси 15 ёшга етган тақдирдагина тадибиркорликда иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган. 16 ёшга етганда эса буюм ва товарлар(ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун ҳунармандга шогирд сифатида жалб қилиниши мумкин. 18 ёшгача бўлган шахс ҳам бундай фаолият тури билан шогирдликка қабул қилинади холос(лекин шунда ҳам умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда ўқиш шарти билан). Бу борада меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган қоидаларга риоя этиш шарт.

Хуллас, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг барча қатламларига яратиб берилган бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш баробарида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш ва ўз навбатида имтиёзлардан ҳам унумли фойдаланиш керак.

Шуҳрат МИРЗАЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод туман ДСИ ходими.

ҲУРМАТЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР!

Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширганингизда, нархлар асоссиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг худудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ХУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАР	ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ
Қорақалпоғистон Республикаси	8(361) 222-30-11
Андижон	8(374) 222-17-01
Бухоро	8(365) 223-70-48
Жиззах	8(372) 226-10-01
Қашқадарё	8(375) 226-24-01
Сурхондарё	8(376) 223-63-25
Наманган	8(369) 233-29-56
Навоий	8(436) 226-11-74
Хоразм	8(362) 226-30-93
Фарғона	8(373) 224-08-25
Сирдарё	8(367) 225-07-30
Самарқанд	8(366) 235-88-44
Тошкент вилояти	8(371) 241-67-98
Тошкент шаҳри	8(371) 233-09-39.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ҳар йили анъанавий тарзда МДҲ мамлакатлари ношир ва матбаачилари ўртасида ўтказиб келинаётган "Китоб санъати" халқаро кўрик-танловида Ўзбекистон вакиллари 5 та номинация бўйича совринли ўринларни эгаллашди.

"Ҳамдўстлик" номинациясида " Маънавият" нашриётининг "Қорақалпоқ фольклори" альбом-китоби биринчи ўринга лойиқ деб топилди. "Менинг Ватаним" номинациясида ҳам яна ушбу нашриёт томонидан чоп этилган "Ўзбекистон табиати: Қашқадарё" альбом-китоби учинчи ўринга сазовор бўлди.

Мазкур нуфузли кўрик-танловнинг бошқа номинациялари бўйича эса Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Санъат" журнали нашриёти ва "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган китоблар фахрли ўринларга муносиб деб топилди.

Моҳинур ҚОДИРОВА

ЭКОҲАРАКАТ БОҒИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва "Gazamir-Pro" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган анжуман ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида «Bulogcha» — «Родничок» болалар экологик журнали тақдимоти, "Онажоним, табиат" иншолар танлови якуни ва Экоҳаракат боғининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Анжуман сўнгида бугунги кунда энг долзарб муаммо — табиат муҳофазасига кенг аҳоли қатламларини жалб этиш мақсадида экожурналистика республика танлови ҳам эълон қилинди.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан "Турларнинг кўплиги — ягона сайёра — ягона келажак" мавзусида тадбир уюштирилди. Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек боғида ўтказилган ушбу байрам кечасида мусиқа ва интеллектуал танловлар якуни, мавзуга оид фильмлар тақдимоти ва эстрада хонандаларининг чиқишлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Озода ХУШВАҚТОВА,
ЎзМУ талабаси.

ВАЗИРЛИКДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Адлия вазирлигида ўтказилган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланди. Тадбирда ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши мустақил демократик давлатнинг ҳуқуқий тизимини такомилаштиришга қаратилган энг асосий қадам эканлиги алоҳида таъкидланди. Чунки мазкур қонун қабул қилингунга қадар республикамизда суд-экспертлик фаолияти асосларини белгилайдиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги ва суд экспертизасини ҳуқуқий тартибга солиш асосан алоҳида турдаги суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал қонунлар ва идоравий меъёрий ҳужжатлар билан амалга ошириларди. Энди эса ана шу бўшлиқ тўлдирилиб, суд экспертининг мустақиллиги ва энг муҳими, хулоса холислигини таъминлашга боғлиқ масалалар тартибга солинганлиги ва бошқа жиҳатлар сўзга чиққан мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

* * *

Куни кеча Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театрида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Баркамол авлод — келажак пойдевори" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбир "Баркамол авлод йили Давлат дастури" доирасида ташкил этилган бўлиб, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланди. Унда адлия вазирлигининг вакиллари, ФҲДЁ бўлимлари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

ЖАРАЁН

АЁЛИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Бугун юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган улкан ўзгаришлар, изчил ислоҳотларнинг бош мезони мустақилликни ҳамда одамларда эртанги кунга бўлган ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлаш, дунёқарашни бутунлай янгилашдан иборатдир. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида қилинаётган қатор хайрли ишлар бунга яққол далил бўла олади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар қўмиталарининг жамиятдаги ролини ошириш, баробарида, аёлларнинг ҳам оилавий, ҳам ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ушбу Фармон асосида Самарқанд вилоятидаги барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича тажрибали маслаҳатчилар тайинланган бўлиб, улар хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини оширишга кўмаклашмоқдалар. Айниқса, тиббий маданиятни ошириш масалаларида ҳам ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори, биргина ўтган йили она ва болалар муҳофазасига ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган иккита қарорнинг қабул қилингани нафақат бугунги кун, балки келажакда ҳам соғлом авлодни вояга етказиш борасида қўйилган энг муҳим қадамлардан бўлди десак, янглишмаймиз.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори юзасидан бугун жойларда қатор ишлар олиб борилмоқда. Узоқ қишлоқлардаги ҚВПлар ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, у ерга малакали шифокорлар томонидан тиббий хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган.

— Маълумки, бугунги кунда халқимиз саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим ва устивор йўналишларидан бирига айланган, — **дейди Иштихон туманидаги «Курилиш» ҚВП раҳбари Раъно Холиқова.** — Бунга жонли мисол сифатида ўзимиз яшаётган ҳудуддаги ўзгаришларни келтира қолай: ўтган йил давомида «Саломатлик — 2» лойиҳаси асосида ҚВПимизга ЭКГ аппарати берилгани бизларга катта қулайлик туғдирди. Шунингдек, лорингоскоп, отоскоп, реноскоп каби замонавий асбоблар ҳамда ҚВП қошида фаолият юритаётган лаборатория ҳам жуда кўп хасталикларни аниқлашда ва ташхис қўйишда бизларга қўл келаётир.

«Соғлом она — соғлом бола» деган ҳикматли гоя ва шиор замирида ҳам бир дунё маъно-мазмун мужассамдир. Оналар соғломлиги фарзандлар саломатлигини кафолатлайди. Бу эса келажакда турли нохушликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирда ҚВП ҳудудига қарашли 804 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг барчаси кўрикдан ўтказилди. Улардан 325 нафарида экстрагенитал хасталиклар аниқланиб, даволаш ишлари олиб борилмоқда. 2006 йилдан бери, кўз тегмасин, бизнинг ҳудудда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади.

Шу ўринда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятига бир назар ташлайлик. Бугун ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларнинг қўллаб-қувватланаётгани, уларга бу борада талайгина имтиёзлар яратилаётгани ҳам қувонарли.

— Бугунги фермер аёлларнинг тушунчаси, дунёқараши олдинги йиллардагидан анча ўзгарган, — **дейди Фермер аёллар уюшмаси раиси Фотима Тўхтапўлатова.** — Улар ернинг тилини билиш билан бирга тадбирли бўлиш ҳам замон талаби эканини чуқур англаб, тушуниб, ана шунга мос равишда ибратли изланишлар олиб бораяпти. Ҳозирда вилоятимиз миқёсида юздан зиёд фермер аёллар фаолият юритишаётган бўлса, уларнинг эришаётган ютуқ ва кўрсаткичлари, фаолияти кўнгилдагидек. Фаоллик кўрсатаётган, муваффақиятларга эришаётган фермер аёллар ишларини тарғиб қилиш, тажриба алмашиш мақсадида ўтган йил давомида кўп туманларда семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Айниқса, пахтакорлик соҳасида довруғ таратган, «Фидокорона меҳнати учун» ордени соҳибаси, фермер аёл Норхол Қурбонова ўзининг етмиш ёшига қарамай, ҳануз далада меҳнат қилиб, ёшларга бу борада сабоқ бераётгани қувонарли. Ёки «Нозима» фермер хўжалиги раиси Нозима Пўлатова, «Мирзаев Шавкат» фермер хўжалиги раҳбари Малоҳат Мирзаеваларнинг фаолияти ҳам бугун кўпчиликка ўрнак бўлгулик эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоят тижорат банклари томонидан барча молиялаш маблағлари ҳисобидан 2 минг 861 нафар тадбиркор аёлларга 17 миллиард 94 минг сўм кредит ажратилгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ўтган йили «Қишлоққурилиш банк»ининг Жомбой тумани бўлинмасидан 50 млн. сўм имтиёзли кредит олдим, — **дейди Тойлоқ тумани «Бахт Дилнура Бахтиёровна» фермер хўжалиги раиси Сарвара Болтаева.** — Парандачилик фермамда беш нафар киши иш билан таъминланган. Ушбу кредитни шу фермани янада ривожлантириш, янги технологиялар асосида иш ташкил қилиш ниятида олдим. Ҳали ўйлаган режаларимиз кўп...

Эшитгандирсиз, фаол, тинибтинчимайдиган кишилар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳоллари жуда кам учрайди. Деҳқон, фермер аёл эса ердан, меҳнати унумидан куч олиб яшайди, дегувчи хотин-қизларимиз ҳам кўп. Ҳатто нарпайлик бир фермер опахонимиз айнан дала ишлари билан шуғулланиб, фермерлик қила бошлаганидан сўнг оғир хасталикдан бутунлай халос бўлгани ҳақида гапирганди. Бу — табиат билан инсон ўртасида узвий боғлиқлик, инсоннинг ердан, атрофдаги наботот оламидан узилиб кетмаслиги заруриятидан бўлса ажабмас. Аммо бугун олимлар жисмоний меҳнатдан узилиб кетмаслик, яъни унга янада меҳрлироқ бўлиш учун инсон бошқа машғулотлар, хусусан, спорт билан машғуллиги ёрдам беради, деган хулосани айтишмоқда. Бугун давлатимиз томонидан хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ҳатто чекка-чекка туманлардаги уй бекаларининг ҳам турли спорт мусобақаларига жалб этилаётгани бу борадаги хайрли қадамлардир.

Маълумотларга кўра, биргина ўтган йил давомида 41 та спорт секциялари очилган. Вилоятимизда уй бекалари 397492 нафар бўлса, уларнинг 117486 нафари спорт мусобақаларида иштирок этган. Айниқса, баҳор байрамлари арафасида «Соғлом танда — соғлом ақл», «Отам, онам ва мен» каби шиорлар остида ўтказилган спорт мусобақаларида хотин-қизларнинг фаол иштирок этаётгани кишини қувонтиради.

— Бизнинг маҳалламиз аҳли ҳам бундай спорт тадбирларида ҳар доим фаол иштирок этмоқда, — **дейди Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси фуқаролар йиғини бош маслаҳатчиси Моҳия Латипова.** — Аввало, ҳар бир киши, у раҳбарми, ёки тўртта кишига маслаҳат беруччими, ўзи ўша дастуриламалларга риоя қилиши лозим. Мана, масалан, мен ўз оиламиз мисолида айтадиган бўлсам, қизим, ўғлим, хуллас, ҳаммамиз спорт билан жиддий машғулмиз.

Тўғри, ким учундир бугун аёлнинг зиммасидаги масъулият ошгандай ёки унга оиладаги барча рўзғор ташвишлари юклатиб қўйилаётгандай туюлаётгандир. Унинг бойчечакдай қадди дағаллашиб қолаётгандир... Лекин ҳеч қачон бир оддий ҳақиқатни унутмайлик, бунга қарши турувчи енгилмас бир куч бор, у ҳам бўлса, гўзаллик, латофат ҳар доим ғолиб чиқаверади. Унинг ортидаги маънавий поклик, жисм ва руҳ саломатлиги, инсонларни комилликка етакловчи куч ҳам борки, бунга ҳам машаққатларсиз эришиб бўлмайди. Зеро, аёлга, демакки, онага бўлган эътибор, ғамхўрлик ҳар доим шарафланган, қадр топган.

Гулруҳ МЎМИНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.
Самарқанд вилояти

ОИЛА ТИЛСИМИ

МЕҲР ЧЎҒИ СЎНМАСА БАС

«Бу аёлга қандай яхши таърифни муносиб кўрсангиз, ҳаммаси ярашади», дейишди бизга Чустда уни таниган-билганлар. Биз эса сўзни Робанисо опанинг энг олий вазифасию энг мукаррам фазилатларидан бошлашни лозим топдик.

Яхши она бўлиш осонми? Яхши қайнона-чи? Бунинг учун аёл зиммасига қандай масъулиятларни олиши керак? Кўпчилик бу саволларга ҳеч ўйланмай баланд-парвоз жавоб бериши мумкин. Бу ҳақда Робанисо опа шундай дейди:

– Аввало, оилада соғлом муҳит барқарор бўлиши керак. Соғлом муҳит деганда, фақат оила аъзоларининг тотув яшаши, зарарли одатлардан холи бўлишини назарда тутиш тўғри эмас. Эр-хотин, фарзандлар ҳамда хонадоннинг барча аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, самимият, ҳурмат, меҳр-оқибат ва муҳаббат бўлсагина, бу оилада чинакам софлик вужудга келади. Қизингиз истайсизми-йўқми, сиздан андоза олади. Ўғлингиз эртага бир оилага бош бўлганида, отасини кўз олдига келтиради. Демак, сиз ҳар лаҳза ўзингизга кўз тикиб турган нигоҳларда «яхши» деган таассурот қолдириш илинжида яшашингиз керак. Шундагина намунали оиланинг соҳибаси сифатида эл ҳурматига сазовор бўла оласиз, фарзандлар ортидан раҳматлар эшитасиз, меҳнат жамоангизда эътибор топасиз.

Робанисо Тўйчиева 1949 йили Чустнинг Варзик қишлоғида туғилган. Наманган давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлагач, ўзи таълим олган 13-мактабга ишга келди. Тез орада у шижоатли, изланувчан, умидли ёш ўқитувчи сифатида кўпчиликка танилди. 1970 йили Робанисо опани 6-мактабга директор этиб тайинлашди. Бу лавозимда у 1983 йилга қадар ишлади.

Кейин икки йил туман ХТБ мудири, бир неча йиллар тумандаги турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. 2001 йилдан буён эса таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Дарвоқе, Робанисо опа 1999–2001 йилларда қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик ҳам қилди. Бу вақтда йиғин «Энг яхши қишлоқ» республика кўрик-танловининг ғолиби бўлганди.

Опанинг турмуш ўртоғи Эркинжон ака ҳам ўқитувчи. Балки шу сабабдан оилада камол топган уч фарзанднинг барчаси олий маълумотли бўлишни исташгандир. Қизи Дилфузахон она касбини танлади, ҳозирда ибратли бир мактабнинг директори. Замонжон — ички ишлар ходими, Зафаржон — иқтисодчи, етук мутахассис. Келинларнинг ҳар иккиси — Гулчеҳра ва Фаридахонлар ҳам ўқитувчи.

Робанисо опани ҳар доим бирор қувончли ташвиш билан шошилиб юрганини кўрамиз. Салом-алик, соғлик-сиҳатлик, хуллас, қисқагина учрашувдан сўнг кулимсираб хайрлашади опа. «Илоҳим, қалбингиздаги меҳр чўғи сўнмасин, сиз каби оналар бор экан, хонадонлар ҳамиша файз ва нурга тўлади», деган ният ўтади дилимиздан.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.
Наманган вилояти

Р. МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

ТАРБИЯ

ОНАНИ ИЗЗАТ ҚИЛИНГ...

Болага етарли даражада тарбия бера олмаслик тарбиясизликни келтириб чиқаради. Она бўлиш, ҳақиқатан ҳам, буюк бир шарафдир. Бироқ, бундай буюк бахтга эга бўлиш бола тарбиясида оналик хизмати, масъулиятини тўлиқ ҳис этиш билан боғланади.

Улуғ донишмандлардан бири «Ҳар бир хотиннинг ақлини ўлчамоқчи бўлсангиз, унинг қўл остида тарбияланаётган болаларига боқинг», деган экан. Бу сўзнинг нақадар тўғрилигини тарбиялилиги, ҳар қандай хатти-ҳаракатининг намуналилиги, катталарга ҳурмат, кичикларга марҳаматлилиги билан кишиларни ўзига ром этган болаларни кўрганданоқ жуда яхши англаб етиш мумкин. Бундай ижобий фазилатларга монанд онани иззат-ҳурмат қилиш, унинг хизматларини бажариш, олқишини олиш, насиҳатларини жон қулоғи билан эшитиш, унга амал қилиш, энг муҳими, онанинг кўнглини қолдирмаслик ва дилини оғритмаслик ҳар қайси тарбияли фарзанднинг энг муҳим бурчидир. Онасига ҳамиша меҳру оқибат, эзгуликни раво кўрган болалар ҳаётда, албатта, бахтли ва саодатли бўладилар.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
Солиқ академияси доценти,
педагогика фанлари номзоди

НИГОҲ

"Совчи" сўзини эшитсак, ўзимиз сезмаган ҳолда беихтиёр ҳаяжонга тушамиз. Ва негадир қишлоғимиз, овул-маҳалламизда ҳамма ҳурмат қиладиган отахону онахонлар ёки ёш бўлса-да, "оқсоқол"ликни эплайдиганлар кўз олдимизга келади. Аксариятимиз ўз оиламизга қадрдон бўлиб кетган бундай инсонларни яхши хотиралар билан эслаймиз, кўча-кўйда кўришиб қолсак, самимий раҳматимизни айтамиз ҳам. Лекин... тақдир деганлари барчани ҳам бир хил сийлайвермайди. Кимгадир тотли келган бахт яна бошқа бировга татимайди. Ана шундай дамларда яна ана шундай савобталаб кишиларга ишимиз тушади. Хўш, совчилик нима ўзи, мартабами, "касб" ёки вазифами? Бундай ваколатни эркаклар адо этгани афзалми ёки аёллар? Бугун ушбу мавзуга боғлиқ айрим ҳаётий воқеа, ҳикояларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

СОВЧИЛАР БАХТ ЭЛЧИЛАРИ БЎЛСИН!

НАСЛИНИ БИЛМАЙ, ҚИЗ БЕРМАСЛАР

...Каромат хола ҳар кунгидек тонг саҳарда уйғонди. Ахир дарвоза қанча вақтли очилса, хайр-барака шунча тез келади, деган ақидага қатъий амал қиладида. Болаларим шунга ўрганган. Чиқиб қараса, эшикларининг олди тоза, супурилган. Хола учун бу янгилик эмас. Тунов куни ҳам шундай бўлганди. Демак, чоршанбада катта қизига совчилар келади. «Илоё яхши жойлардан ато қилсин», деб қўйди ичида. Сўнг ҳовлиларга сув сепаётган қизига тандирхонаю ўчоқбошиларни ҳам супуриб қўйиш кераклигини эслатди.

Дарвоза олдини супуриб, белги беришганидек, чоршанба куни саҳармардонда дарвозани икки нотаниш аёл секин тақиллатишди. Меэбон уларни меҳмонхонага бошлади. Дастурхон ёзилди. Салом-аликдан сўнг катта ёшлироғи муддаога ўтди: «Қўлчиликка келдик, айланай. Қизингизнинг бошига бахт қуши қўниб ўтирибди, учириб юборманг-а. Яна денг, саҳарлаб эшик қоқиб, қизингизни сўраб келганлар яхшилик эшигини ҳам очиб келади, деб бежиз айтишмайди." Хуллас, улар аввалига куёв бўлмишнинг таърифу-тавсифини обдон келтиришди.

— Икки ёш узукка кўз қўйгандек бирбирларига жуда мос-да. Хўп денг энди.

— Аслини билмай сўз демаслар, наслини билмай қиз бермаслар, — Каромат хола арқонни узунроқ ташлади. — Мен ҳозироқ сизларга бирон нарса деёлмайман, катта-кичик, қариндош-уруғ деганларидек, улар билан ҳам бир маслаҳатлашайлик-чи? Кейин бир гап бўлар...

Бу орада эшикка чиқиб келиш баҳонасида ташқарига отланган иккинчи жувон бир пасда ҳожатхонадан тортиб, ўчоқбошигача, оқланган тандирхонадаги косовнинг қаерга қўйилгани-ю, рапида, енгча, хуллас, супурги турган жойларгача обдон кузатиб бўлганди. Уйда ўтирган катта ёшлиси Каромат холанинг ийманиб ўтиришидан фойдаланиб, гилам тагини ҳам секин кўтариб қаради. Совчилар хайр-хўшлашиб кўчага чиқишар экан, кичикроғи секин шеригига пичирлади:

«Опажон, қандай қилсак ҳам шу оиланинг қизини қўлдан чиқармайлик...»

ОТАСИНИНГ БОЙЛИГИ ҚАНЧА?

Бугун совчилик удумларимиз ҳам анчагина ўзгариб кетган. Тўғрироғи, замонавийлашгандек. Эшик олдини супуриб кетишлар айрим қишлоқларимиздагина сақланиб қолгандир, бироқ шаҳар жойларда бундай одатларнинг бир-биридан бутунлай фарқ қилиши кўпчиликка маълум. Масалан, андишадан йироқ бўлган удумлардан бири қизни совчиларнинг ҳузурига киритиб, чой узаттиришу, уй кўришлар... Ҳатто энди бўлғуси куёвни ҳам кўрсатиш учун қизникига олиб бориш русумга кирибди. Энг асосийси, сўраб келувчиларни кўпроқ қиз тарафнинг данғиллама уй-жойи, машинаси, даромади, керак бўлса эртага қайнотасининг куёвига берадиган ёрдами, тақдим этадиган совғаси-ю мойлироқ курсисигача уларнинг «қайд дафтарлари»дан жой олаётгани... бор гап. Ана шундай «талаб"ларга жавоб берадиган оила топилсагина ёшлар учрашувга чиқишаётган экан. Албатта ҳар иккала тарафнинг ўз вакиллари кузатуви остида танишув уюштирилади. Иккаласи бир-бирларига маъқул тушса, йигит қизга уйланиш истаги борлигини билдириб, совға (тилла узук, гул, ширинлик кабилар) тақдим этади. Ўз навбатида қизга ҳам йигит маъқул келса, берган совғасини олади ёки... аксинча.

Лекин кўпчиликни ҳайрон қолдирадиган бир ачинарли ҳолатга эътибор берайлик: Ахир, бир кўришдаёқ иккинчи одамнинг феъл-атвори, эртага қандай ёр, қандай ота ёки она бўлишини билиш мумкинми? Қолаверса, кўпни кўрган бобою момоларимиз келин ёки куёв бўлмишнинг моли давлатини эмас, балки ҳар икки тарафнинг етти пуштигача сўраб-суриштириб чиқиши бежиз бўлмаган-ку! Ахир, «Эгасини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол» деган пурҳикмат мақолларимиз ҳам бекорга айтилмагандир.

«АУДИТОРИЯГА КЕЛГАН СОВЧИ"

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида қизиқ бир манзарага дуч келдик. Ишонасизми, кейинги пайтларда аксарият олий ўқув юртларига ўз танишлари орқали "Келин кўргани келувдик, илтимос, фалончини чақириб қўйинг" дея ўқитувчиларни безовта қилиш ҳолатлари учраётган экан. Нозима исмли талаба қиз бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— Тўғри, қайси оилада қизлар бўлса табиийки, уни совчилар сўраб келади. Бу азалий одатимиз яхшику-я, лекин совчи бўлмишларнинг таълим даргоҳларида юриб, келин излаши жуда ғалати. Устига устак, дарс жараёнида ёки бўлмаса ҳозиргидек синов имтиҳонлари, диплом ҳимояси вақтида кутилмаганда осмондан тушгандек, "Фалончиева, сизни дарвозада кутишяпти" дейишса ёқадими? Яқинда инглиз тили фани бўйича имтиҳонга кираётган эдим. Тўсатдан деканатда ишлайдиган қиз бир аёлни етаклаб келиб, менга рўбарў қилса бўладими. Билсам, ўша аёл укасига мени келин қилмоқчи эмиш. Аввалига ўзимни босиб, у кишига ҳеч нарса демадим. Жаҳлим чиққани боис ичкарига қандай кирдим, қандай чиқдим, билмайман. Домла ҳам ҳайрон қолди ва "Нозима, нима бўлди сенга, яхши ўқирдинг-ку" дея зўрга «тўрт» баҳо қўйса денг. Жиғибийрон бўлиб ташқарига чиқсам, ҳалиги аёл кутиб ўтирган экан. "Қизим, сиз билан гаплашиб олсак бўладими энди?" деганди, мен асабий ҳолатда: "Менинг ота-онам ҳаёт, худога шукр, уйимиз бор, тушундингизми? Бу ер менинг ўқиш жойим, бошқа сўраб келманг", деб юбордим...

Энди эса Азиза деган талаба қизнинг гапларини эшитинг: *"Очиғи, ўқитувчиликка унчалик хушим йўқ. Аммо ойимнинг маслаҳати билан айнан турмушга чиқиш учун шартнома асосида бўлса-да, университетда ўқияпман. Чунки ҳозир биласизми, ўқимишлиларнинг бозори чаққон. Кулгули туюлиши мумкин, бироқ бозор иқтисодиёти кўпчиликни шунга мажбур этаяпти. Йигитлар ўзлари ўқимаган бўлса-да, эртага оиламга фойдаси тегади, деб кўпроқ дипломли қизларни қидиришмоқда. Шунинг учун институтимизга бизларни сўраб келаётганларни оқлайман. Ким билади, уйларига борса балки бировга ёқади, бировга ёқмайди».*

Дарвоқе, совчилик айримлар ўйлаганидек, осон иш эмас, аксинча, бу вазифанинг бир умрлик масъулияти борлигини ҳам унутмайлик. Негаки, умид билан ўғил уйлантираётган ва қиз чиқараётган ота-она киприги остида улғайтирган дилбандларини эртага бизнинг юзимизни ерга қаратмасин, авлод-аждодимизга номуносиб ишларга қўл урмасин деган ниятда тўйга рози-ризолик билдиради. Шу боис биз ҳам ҳеч иккиланмасдан совчиларни Бахт элчилари, тинч-тотув оилаларни бунёд этмоққа бел боғлаган жонкуярлар дегимиз келади. Албатта, бу масъулиятли ишни ҳар қандай шароитда ҳам эркаклар ўз зиммаларига олганлари маъқул, деб ўйлаймиз. Чунки азал-азалдан ота-боболаримиз бу оғир ва жавобгарлиги жиддий бўлган вазифани оқлашни ўз бурчлари деб билганлар. "Бугун бундай юмушларни жуда кўп жойларда аёллар бажаришяпти-ку" дейишингиз ҳам мумкин. Барибир аёлларнинг йўриғи бошқа ва бу алоҳида мавзу ҳам.

Ниятимиз, "Совчиликка келдик" дея ёруғ ниятлар ила эшик-дарвоза чертаётган инсонларнинг қалбларида ҳамиша яхшилик, эзгулик уруғлари унсин.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

АКС-САДО

СИЗНИ АНГЛАДИМ

«Мени ҳеч ким тушунмайди» — 19-сон

Мен сизни тушундим, муҳтарам ҳамкасбим Зулфия Самадова! Бир вақтлар камина ҳам етти йил ўқитувчи бўлиб ишлаган. Шу боис сиз куюнчаклик билан ёзган мақола анчадан буён ўйлаб юрган гапларимни қоғозга туширишга ундади.

Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, ёшларимизда урчиб бораётган салбий одатлар, тарбиянинг бузилиши каби ҳолатларда асосан биз катталар айбдормиз.

Ҳозирда видеобар, компьютер, қўл телефони, дейсизми, телевидениедаги ажнабий енгил-елпи, ур-йиқит, бир-бирини алдаган, олдиқочди кинолар, дейсизми, умуман айтганда, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қиладиган воситалар кўпайиб кетди. Эҳтиёткорликни ўн карра оширишимиз зарур шундай паллада, афсуски, кўпчилик ота-оналар боласини тергамай қўйишди. «Нима ўқидинг, неччи баҳо олдинг, дарсингни қилдингми, қаерга бординг, қаёқда юрибсан, ким билан ўйнадинг», деб суриштиришмайди. Тасаввур қилинг, ҳар қандай киши молқўйи кечқурун даладан келмаса, уни излаб чиқади. Лекин боласи кечикса, иши йўқ: «Ақлу ҳуши жойида бўлса, бир жойда юргандир-да, келиб қолар», деб ўтираверади.

Хўш, нима қилмоқ керак?

Видеобару компьютерхоналар, телевидениедаги ажнабий, миллий менталитетимизга ёт сериалларни маълум маънода чеклаб қўйиш керак! Чунки улар ёшлар тугул, катталарнинг ҳам онгини бузади. Керак бўлса, бу қонун йўли билан амалга оширилса, сизу биз кутган натижага эришилади! Бўлмаса, айтилавергани билан, ёзилавергани билан фойдаси йўқ. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига вояга етмаган шахсларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақида қўшимча киритилгани айни муддао бўлди. Аммо ота-оналар фарзандлари олдидаги масъулиятни мактабда ўқитувчиларга, кўчакўйда тадбиркорларга ташлаб қўйиши яхши эмас. Зотан, бу борадаги билмайин босилган тиконнинг заҳрини ўқитувчи ёки тадбиркорлардан кўра кўпроқ ота-оналар тортади.

«Биздан обод, озод Ватан қолсин» шиорига ҳамоҳанг айтишимиз жоизки, биздан ахлоқ-одобли, билимдон, оқил, маданиятли, етук-баркамол авлод қолсин!

Маматқул СУЛАЙМОНОВ,
Боёвут тумани

ҲУҚУҚ

ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОСИНГ

ёхуд судда даъво қўзғатиш муддатлари хусусида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Шундай экан, фуқаролар бундан ўз вақтида, ўз жойида фойдалана билишлари керак.

Судда даъво қўзғатилишида муддат жуда муҳим ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч йил (аммо бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади). Муддатнинг ўтиши (у шахс ўз ҳуқуқи бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди) даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлади. Шунинг учун киши ҳуқуқи бузилганда, турли хаёлларга бориб, иккиланиб ўтирмай темирни қизиғида босиши керак. Озгина сусткашликка йўл қўйдингизми, унутманг, бой берилган ҳар бир кун сизнинг зиёнингизга ишлаши ҳеч гап эмас.

2009 йили Навоий вилоятининг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларида меҳнат низолари, туман ҳокими қарорини, кимошди савдосини ҳақиқий эмас, деб топишга оид кўплаб даъво талаблари даъво қўзғатиш муддатига риоя этилмагани боис ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган. Масалан, даъвогар С. жавобгар НКМК МКБга нисбатан ишга тиклаш, иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраб, судда даъво қўзғатган. Ишдан бўшатилгани тўғрисидаги буйруқ нусхаси С.га июнь ойида берилган бўлса-да, у сентябрь ойида даъво қўзғатиб, Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган бир ойлик даъво муддатини бузган. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро суди 2009 йил 8 октябрь куни даъвони рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

Шундай экан, судда даъво қўзғатиш муддатларини яхши билиб олиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишда уларга риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

— Ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

— ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилгани иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

— бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Қонунчилигимизда даъво муддати белгиланмайдиган ҳоллар ҳам кўрсатилган. Жумладан,

— шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга;

— маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга;

— омонатчининг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

— фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

— жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

— мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги ва қонунда белгиланган бошқа талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Никоҳдан ажралган эр ва хотининг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан, Оила кодексининг 27-моддаси 9-бандига кўра, уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

Белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин. Агарда суд даъво муддатининг ўтказиб юборилгани сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак.

Шу ўринда яна бир гап. Кўпинча даъвогарлар суд мажлисларида даъво қилиш муддати бир ойлигини, судда даъво қўзғатиш кераклигини билмасдан бошқа ташкилотларга, органларга мурожаат қилиб юришганини важ қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрель кунидаги қарорида қонунни билмаслик ёки бошқа ташкилотга, органга мурожаат қилганлик даъво муддатини ўтказиб юборилганини узрли деб топиш учун асос бўла олмаслиги кўрсатилган.

Фуқароларимизга шуни таъкидлашни истардимки, айрим кўнгилочар газеталарни севиб ўқиганингиз сингари «Халқ сўзи», «Куч адолатда», «Оила ва жамият», «Инсон ва қонун» газеталарини, «Ҳуқуқ», «Ҳаёт ва қонун», «Ҳуқуқ ва бурч» журналлари ва бошқа ҳуқуқий адабиётларни ҳам мунтазам кузатиб боринг. Қолаверса, радио, телевидениеда «Ахборот», «Давр» ва ҳуқуқий эшиттириш, кўрсатувлар бошланганида, бошқа каналларга олишга шошилманг. Уззукун қайта-қайта эфирга қўйиладиган қўшиқлар, чет элнинг ур-йиқит киноларини афзал билиб, муҳим ҳуқуқий радиоэшиттириш ва кўрсатувларни ўтказиб юбориш китоб, газета, журнал ўқимайдиган одам учун ҳуқуқий саводсизлик демакдир. Ўз ҳуқуқларингизни, аввало, ўзингиз яхши англаб олиб, сўнг қонун доирасида ҳимоя қилсангиз, аминманки, ҳеч қачон ютқазмайсиз.

Ибодат ШОЙМАРДОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Навоий вилоят суди судьяси.

Ҳеч нимани қонунни билганимиздек ёмон билмаймиз.
О. Бальзак

ДАҲА — бу сўзнинг туб илдизи «қишлоқ» маъносини билдирган. Ўтмишда қишлоқ жойларида бир неча қишлоқдан, йирик шаҳарларда эса бир неча маҳалла, мавзедан иборат бўлган маъмурий ҳудудий бирлик «даҳа» деб аталган. Шунингдек, «даҳа» сўзининг «ўнталик», «ўн йиллик», «ўн кун» ва «ипак қуртининг уйқуга кириш палласи» маънолари ҳам мавжуд.

«Дарров уч кишини Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларига хабар учун жўнатишди».
Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан.

МИСҚОЛ — тилимизда озгина, жуда оз миқдор маъносини билдирган бу сўз қадимги оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, тахминан 4,24 граммга тенг. «Мисқоллаб терди» деган ибора ҳам шундан пайдо бўлган.

Ўзганинг ҳимматини дарё, ўзингникини мисқол деб бил.
Мақол.

ДЎЛАНА — бу сўзнинг туб илдизи «юмалоқ муз шаклидаги ёғин» маъносини англатган «дўл» сўзидир. Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича, «дўл» сўзига «ўхшаш» маъносини ифодалайдиган «она» қўшимчасини қўшиш билан «дўлона» сўзи ҳосил бўлган. Бу сўз аслида, «дўлга ўхшаш» деган маънони англатади.

Жондан кечмасанг, жонона қайда,
Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда?
Мақол.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

ҚАЙНОНА ҚАЙНАМАСА...

... Келин айнамайди, деган мақолни тез-тез эшитиб қоламиз. Қайнона-келин можаролари ҳақида қанча мисолларга гувоҳ бўлсак-да, ҳайратланмаймиз. Бироқ яхши қайноналар ҳақидаги ҳикояларни ажабланиб тинглаймиз. Нега?
Бу саволга яхшиси, келинлар жавоб беришсин.

ДИЛДОРА, 21 ёш:

— Турмуш ўртоғим билан севишиб оила қурдик. Қайнонам мени эмас, бир дугонасининг қизини келин қилишни истаган экан. Шу сабаблими, тўйдан кейин бажарган ҳар бир юмушимдан айб ахтарадилар. Кўнгилларини олишга ҳарчанд уринмай, қовоғи очилмайди. Билмадим, бу аҳвол қачонгача давом этади? У кишининг меҳрини қозонишга бўлган ишончим тобора сусайиб бораяпти. Гоҳида турмуш ўртоғим билан шу ҳақда тортишиб ҳам қолаяпмиз. Оилам бузилиб кетишидан чўчийман, чунки ҳомиладорман...

ЮЛДУЗ, 28 ёш:

— Келин бўлганимга тўққиз йил бўлди. Даставвал бу уйда узоқ вақт яшай олишимга менинг ҳам кўзим етмаган. Ўқийман деб рўзғор ишларини тузукроқ ўзлаштирмаган эканман, тўйдан кейин роса қийналдим. Қайнонамнинг бемаза овқат қилганим учун косани олдимга итқитиб юборган пайтлари ҳам бўлган. Ювган кирларимни қуриган жойидан йиғдириб олиб, икки-уч карра қайта-қайта ювдирганлари-чи?..

Мана, ҳозир уч болали бўлдим. Рўзғор ишларини ўйнаб-кулиб бажараман. Қайнонамнинг «қолип»ига тушгунча озмунча қийналдимми? Энди ўйласам, қайнонам жуда тўғри йўл тутган экан. Улар менга онам ўргатмаган жуда кўп нарсаларни ўргатдилар.

ҲИЛОЛА, 19 ёш:

— Тўйимиз дабдурустдан бўлди. Ҳали бирор ҳунарни эгаллашга ҳам улгурмагандим. Аммо тўйдан кейин қайнонамнинг ўзи мени тикувчи аёлникига етаклаб борди. Қисқа вақтда тикишни бинойидек ўрганиб олдим. Устозимникидан келгунимча ойижоним овқатгача пишириб қўяди. «Эрингиз ҳам ўқимади, ҳеч йўқса сиз ҳунарли бўлинг», дейдилар. Рўзғордаги юмушларни ҳам менга эринмай ўргатганлар.

Менимча, келинлар қайноналарнинг айтганларини ўрнида бажарса, ўртада низо чиқмайди. Кўп жанжаллар келиннинг дангасалигидан, укувсизлигидан келиб чиқса керак.

МУАТТАР, 31 ёш:

— Оилада тўрт келинмиз, мен каттаси. Одатда, биз алоҳида ҳовли қилиб чиқиб кетишимиз керак эди. Лекин қайнонам мени олиб қолиб, қолган келинларининг рўзғорини алоҳида қилдирди. Сабаби, уларнинг қилган юмушлари, уй тутумлари ёқмади. «Шунча ўргатдим, қулоқларига илмади. Ўрганса, ўзига фойда эди. Энди қаттиқроқ тегсам, орамизга совуқлик тушади, иззатлари борида алоҳида уйга кўча қолишсин», деди қайнонам.

Қайнонамнинг, айниқса, кенжа келиндан умидлари катта эди. Аммо у нима қилди? Қўлини совуқ сувга уришни истамади, ҳаммага, ҳатто қайнонаси ва эрига ҳам осмондан назар ташлади. Қайнонамнинг насиҳатларига бурнини жийираверди. Мана, тўйдан саккиз ой ўтмай келинкуёвни кўп қаватли уйга кўчириб қўйдик. Кенжа келин ўзи истаганича яшаяпти, бироқ қариндош-уруғлар, маҳалла-кўй олдида ҳурмат тополмади.

Ҳар бир оила – кичик мамлакат. Унинг ўз қоидалари, тартиблари бор. Айрим келинларимизнинг фикрини газета саҳифаларига олиб чиқишдан мақсад қайнона-келин ўртасида учрайдиган аксарият муаммоларга урғу бериш эмас, аксинча, қайноналарнинг ҳам она экани, улар келинларига фақат яхшилик соғинишини таъкидламоқчимиз, холос.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

«ГАП» ОРТТИРАР ДАРД, ХОЛОС...

Олий тоифали практолог Рустам Тўлаганов тавсиялари

— Ер юзидаги барча инсонларга бирдек ёқадиган, жисмига шифо ва қувват бағишлайдиган озуқалар бу — нон, сув, табиий неъматлардир. Шукрки, бизнинг юртимизда тўқчилик, тўкинчилик. Албатта, бунинг қадрига етиш керак.

Кўпчиликнинг овқатланишида тартиб, маданиятнинг йўқолиб бораётганлиги шифокорларни жиддий ташвишга солмоқда. Яхшиси, ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик: кейинги пайтларда «гап» деган тадбир кенг тарқалган удумга айланиб бормоқда. Аслида бу йиғинни «гап» эмас, «ейиш» деб аталса, тўғрироқ бўларди. Тасаввур қилинг, меҳмондорчиликка борган одам, агар ҳаво иссиқ бўлса, ўзини муздек чанқовбосди ичимликларга уради. Ибн Сино бобомиз айтганларидек, агар одам оч қоринга тоза сув ичса, мисоли эрталаб юзингни ювиб, оғзингни чайқаганингда маза қилганинг каби, ички аъзолар роҳатланади, тозаланади. Лекин унинг ўрнига «Кока-кола»нинг кукуни ёки бошқа сунъий таркиблар қўшиб тайёрланган ичимликларни юборсангиз-чи... бизнинг ички аъзоларимизда бундай сунъий суюқликларни қабул қилиш хусусияти табиатан йўқ. Инсоннинг ирсий хусусиятлари деган ибора мазмунини яхши биламиз. Отабоболаримиздан бизнинг жисмимизга мерос бўлиб келаётган жиҳатлардан бири — овқат ҳазм қилиш органларининг табиий озиқ-овқатларга мослашганлигидир.

Яна дастурхонга қайтамиз: муздек сув ичилгандан кейин ярим соат ўтар-ўтмас иссиқ сомса қўйилади. Оқибатини ўйлаймизми? Яхлаган сув қуйилган идишга қайноқ сомсани ташланг. У қотиб, бужмайиб қолади. Сиз тановул қилган сомса ҳам худди шундай, ҳамири, ёғлари қотадида, синғиши қийинлашади, қаттиқ цементга ўхшаб ичакларда сурилмай қолади.

Афсуски, ички аъзоларнинг тили йўқ. Лекин онгли инсон ўзидаги салбий ўзгаришлардан, яъни кўнгилнинг беҳузур бўлиши, қорин дамланишидан тилсиз аъзонинг «огоҳлантириши»ни англаб олади ва кейинги safар бу тақлид овқатланмайди. Бундай овқатланиш оқибатида организм тинимсиз синовларга дучор бўлади — қон босими кўтарилади ёки пасаяди, кўнгил айнийди, ич кетади, иштаҳа йўқолади, ҳолсизлик, кайфиятсизлик бошланади...

Ота-боболаримиз «Тўйга борсанг, тўйиб бор», деб бежиз айтишмаган. Нимага? Орамизда ҳатто тўй-маъракага, гап-гаштакка боришдан аввал овқат ҳам емай, турли хил совуқ газакларни, суюқ-қуюқ таомларни бирданига истеъмол қиладиганлар кам эмас. Бир ўтирганда 3-4 хил овқат ейиш — ўтакетган очкўзлик, маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Ҳар қандай ошқозон ости бези ва ичаклар бундай овқатланиш тарзига мослашиши қийин. Чунки ҳар бир тановул қилинган таомни организм бир кун мобайнида ҳазм қилиб, керакли қисмини ўзига сингдириб, «пўчоғи»ни ажратиб чиқаради. Аралаш-қуралаш, пала-партиш ва меъёридан ортиқ ейилган овқатлар инсон соғлиғини емиравeради.

Хайриятки, кейинги пайтда никоҳ маросимларида 30-40 тоғора нисбатан камайди. Инсофли қудалар ўзаро маслаҳатлашиб, сарф-харажатларни биргалашиб қисқартиришяпти. Бу ҳам аслида катта маданият! Лекин ҳанузгача қирқ тоғорани кўтариб юрганлар ҳам кам эмас. Бу таомларнинг қайсиниси кеча пиширилган, қайсиниси бозордан сотиб олинган, ҳеч ким билмайди. Уни эркагу аёл ейди, қолганини эртага, индинга дастурхонга тортилади, кейин халталарга солиб мол-ҳол, ҳатто итга бериб юборилади. Қарабсизки... бу ҳам ортиқча харажат.

Кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, эркакларга нисбатан аёллар кўп овқат ейишаркан. Шунинг учун ҳам улар орасида семириш, қон босими ортиши, ошқозон-ичак, қандли диабет касалликлари кўпроқ учрамоқда. Ҳар уч соат оралиқда ошқозонга овқат тушиб туриши — меъёрий ҳолат. Сомсанинг орқасидан шўрва, унинг кетидан норин, кабоб тановул қилинса, ошқозон худди резинка шар каби катталашаверади. Лекин у истеъмол қилинган нарсалардан фақатгина инсон танасига керакли бўлган қисмини сўриб олади, холос. Қолгани ахлатга чиқади, аммо уни сингдириш учун ошқозон ортиқча зўриқади, қувват сарф қилади. Тез қариш, дангасалик касалликлари ошқозонни меъёридан ортиқ егуликлар билан тўлдиришдан келиб чиқади.

Чунки ёғли овқатларни сингдириш учун жигарнинг спиртсимон модда ишлаб чиқариш хусусияти бор. Шунга қарамай одам ошқозонига ароқни қуйиб юборса, жигар фаолияти бузилади. Ошқозон ости бези ширинликларни сингдириб, эзиб юборадиган инсулин ишлаб чиқаради. Лекин кетма-кет ейилган турли ширинликларни сингдириш учун инсулин етказиб бериш қийинлашади.

Меҳмондорчиликка борган эркаклар бир соат ичида еб-ичиб бўлишади. Бу орада ташқарига чиқиб, ҳаво алмаштиришади, чекишади. Лекин аёллар бундай эмас, 3-4 соатлаб бир жойда ўтирганча еб-ичишда давом этаверишади. Шунинг учун ҳам айримларини 40 ёшдан кейин таниёлмай қоласиз.

Меҳмондорчиликларда битта суюқ, битта қуюқ таом тортишга ўтилса ҳам тежамкорлик, ҳам жамият бойликларини асраб-авайлаш сари катта қадам қўйилган бўларди. Ликопчангизда озгинадан гўшт ёки балиқ, сабзавотлар, ошкўклар бўлсин. Уни кўк чой ёки тоза сув билан хотиржам ўтириб тановул қилсангиз, бу ҳам маданиятлилигингизни кўрсатади.

Ҳозир соғлом турмуш тарзини эгаллаган инсонлар орасида тартиб билан овқатланган кейин стадионга борадиган, футбол ё теннис ўйнайдиганлар, сувда сузадиган, эру хотин биргаликда кечки овқатдан кейин кўчага чиқиб югуриб келадиганлар кўпайиб бормоқда. Соғликнинг, ҳаётнинг қадрига етадиган бундай инсонлар қандини урсин!

Муҳтарама УЛУҒОВА тайёрлади.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

«НАҲОТ, БЕПУШТМАН?»

Ёшим 32 да. Уйланганимга 8 йил бўлди, аммо ҳали ҳам фарзандсизликдан азият чекамиз. Кўни-кўшни, қариндошуруғ олдида ўзимни ноқулай сезаяпман. Шифокорларга мурожаат қилдик. Улар бизда бирор касалликни аниқлашгани йўқ. «Натижалар яхши, сизлар албатта фарзанд кўрасизлар» дейишди. Аммо ўзгариш йўқ. Энди қандай йўл тутайлик?

Зокир Муҳамедов, Тошкент шаҳри».

DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод Эргашев жавоб беради:



— Зокиржон, сиз бу борада бироз бепарволилик қилиб, 8 йилни ўтказибсиз. Ўзингиз ёки аёлингизда бирор касаллик борлигидан шубҳаланганингиздаёқ бирор етук мутахассисга мурожаат қилганингизда балки, ҳозир болажонларингиз қуршовида бўлардингиз. Лекин кўнгилни чўктирмай, ушбу тавсияларга амал қилсангиз, сиз албатта бахтли ота бўласиз.

БЕПУШТЛИК ЎЗИ НИМА?

Бу саволга турли даврларда ҳар хил жавоб берилган. Эр-хотин жуфтлигининг фарзандсиз никоҳ даври 4 йилга етмагунча шифокорлар уларни текшириш билан шуғулланмаган пайтлар ҳам бўлган. Кейинчалик эса бу муддат уч йилга, сўнгроқ икки йилга қисқарди.

Ҳозирда эса ҳомиладорликдан сақланмай туриб, бир йил давомида муттасил жинсий ҳаётдан кейин ҳам фарзанд бўлмаса, бепуштлик масаласини қўйиш ҳамда эр-хотинларни тиббий кўрикдан ўтказиб, даволашни бошлаш керакligи таъкидланмоқда.

Бу муддат, яъни бир йил, статистик таҳлиллар асосида белгиланган. Ҳозирда эр-хотин жуфтлигининг 20% ида ҳомиладорлик биргаликда кечган ҳаётнинг дастлабки уч ойида, 60%ида кейинги етти ой давомида, қолган 20%ида эса жинсий ҳаётнинг 11-12 ойларида бўлиши тиббиётда тасдиқланган. Шундай қилиб, бир йил жуфтликнинг фетиллигини (бола кўришга қобиллигини) аниқлаш ҳамда шу давр мобайнида ҳомиладорлик содир бўлмаса, бу вақт бепуштлик тўғрисида гап юритишга етарли муддатдир.

Бу борада бизнинг "DOCTOR-D" ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел:+99871-113-00-57).

E-mail: hospital@doctord.uz.

URL: http://www.doctord.uz (t)

САВОЛ-ЖАВОБ

БЎКИБ ОВҚАТЛАНМАНГ!

— Шлак нима ва нима сабабдан шифокорлар ундан тозаланишни тавсия этишади?

Бекмурод Ҳимматов, Бухоро

— Инсон организми мураккаб ва ғаройиб яратилган. Шароит яратиб берсангиз, муаммосиз барча жараённи ўзи бошқаради — моддалар алмашинувидан озуқа олиб, кераксизини чиқариб юборади. Лекин биз бунга ёрдам бериш ўрнига тўсқинлик қиламиз, соғлом турмуш тарзи кўникмаларидан чекинамиз. Кўпчилигимиз ё бўкиб овқатланамиз ё умуман танамизга керак бўлмаган нарсани еймиз. Айримлар ҳар иккисини бирданига қилади. Натижада организм бунча озуқани кўтаролмайди, ҳазм қилинмаган овқат ичакларда туриб қолгач, айнийди. Бу жараёнда қатор заҳарли моддалар ишлаб чиқарилади. Қондан тарқалган токсинлар кўп аъзоларни касаллайди. Ичаклар керакли моддаларни сўра олмайди ва ейилган таом тўлалигича чиқинди — шлакка айланиши мумкин. Демак, шлак модда алмашинувидан ҳосил бўлган пешоб, пешоб кислотаси, креатин, креатинин, аммоний тузи ва бошқа сувда эриши қийин бўлган моддалардир.

Шлак йиғилишининг асосий сабаблари:

***бўкиб овқатланиш;**

***бир-бирига тўғри келмайдиган маҳсулотларни аралаштириб ейиш;**

***шўр, ўткир таомлар, алкоголь, наркотик моддалар;**

***меъёридан ортган дори воситалари;**

***атмосферанинг ифлосланиши ва қуёш нурининг етишмаслиги;**

***камҳаракатлилик, яъни олинган озуқанинг сарф қилинмаслиги (гиподинамия). Бунда ҳаракат орқали тери, ўпка, ичак ва буйракдан чиқиши керак бўлган заҳарлар йиғилиб қолади.**

— Сен кетаётганингда онам ухлаб ётганди, — деди опам. — Уйғониб сени сўради. «Уйига кетди, эртага яна келади», дедик. Онам сенинг ҳақингга узоқ дуо қилдилар. «Кенжам-да, кенжам, ҳаммаларинг ёнимда бўлсаларинг ҳам Мадинанинг ўрни бошқа, — деб кулди. Кейин: — Мадина оберган кийимларимни беринглар, деб шу халат билан рўмолни кийгизишимизни илтимос қилди. Аммо бу гапларни айтгунча жуда чарчаб қолди. «Энди ухлайин», деб бошини ёстиққа қўйди-да, бирпасда калима келтириб, жон берди.

Опамнинг бу гапларидан кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Оҳ, онажонгинам-а! Нахотки, сиз жон талвасасида ҳам мени ўйлаган, мени йўқлаган, мендан хавотир олиб, изимдан борган бўлсангиз? Бошингизда бир мен бўлмаганман, лекин шунга қарамай ўзингиз келиб, мен билан хайрлашиб кетганмидингиз, онажон?

МАДИНА,
Сирдарё»
Мактубни Дилфуза ЎРОЛ қизи оққа кўчирди.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

Қўй (21.03–20.04)

Сизга ажойиб бир таклиф айтишади. Бироқ уни тезда қабул қилишга шошилманг. Шахсий масалаларда ҳадеб ўзингизни чеклашни бас қилинг. Ахир, эркин нафас олишга ҳаққингиз бор-ку! Ҳафтанинг иккинчи ярмида сизни томоқ оғриғи безовта қилиши мумкин.

Бузоқ (21.04–21.05)

Душанба муаммоларингизни ҳал қилишнинг айни пайти. Олга қадам ташлашдан чекинманг. Ҳафта ўртасида сизни романтик учрашувлар кутмоқда. Жума ва шанба кунлари роса тер тўкиб ишлайсиз. Бу соғлиғингизга ҳам фойдали.

Эгизаклар (22.05–21.06)

Кундалик ишларга кўмилиб кетганингиздан, энг муҳимларини унутиб қўясиз. Уларни ҳам эътибордан четда қолдирманг. Аниқ ва пухта ўйланган режаларингиз самарали якун топади. Оилада қанчалик тартибли ва илтифотли бўлсангиз, айрим кўнгилсизликларнинг олдини оласиз.

Қисқичбақа (22.06–22.07)



Ҳафта қўлингизга мўмай даромад тушиши билан бошланади. Бундан кўриниб турибдики, кайфиятингиз ҳам аъло даражада бўлади. Шахсий ҳаётингизга келсак, севги саргузаштларига тайёр туринг. Атрофдагиларнинг фикри билан ҳам ҳисоблашсангиз фойдадан холи бўлмайди.

Арслон (23.07–23.08)



Ушбу бурж вакилларига имкониятлар эшиги очилиши кутилмоқда. Лекин бу бироз қимматга тушиши мумкин. Янги, оригинал ғоялар сизга омад келтиради. Кутилмаган хабарларни жазавага тушмасдан, хотиржам қабул қилинг.

Сунбула (22.08–22.09).

Шу кунларда жуда қаттиқ ишлайсиз. Айрим иккиланган саволларингизга жавоб тополмасдан қийналасиз. Аммо бу иродангизга таъсир қилмайди. Қийинчиликларни бир уриниш-даёқ маҳв этасиз. Йироқдаги яқинларингизга меҳр кўрсатишни ҳам унутманг.

Тарози (23.09–22.10)

Бу ҳафта анча ҳаракатчан одамга айланасиз. Муаммоларни қанча тез ҳал қилсангиз, шунча яхши натижаларга эришасиз. Ишда эса сизни унча ҳам тушунишавермайди. Лекин ғояларингиздан бири эътиборли шахснинг диққатини тортиши мумкин.

Чаён (23.10–22.11)

Бурж вакилларини бироз мураккаб ҳафта кутмоқда. Ва бу мураккаблик сизни анча чарчатиши мумкин. Шахсий ҳаётингизда эса сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар рўй беради. Камчиликларингизни танқид қилишса, асабийлашмасдан, мулойимлик билан қабул қилишга ҳаракат қилинг.

Ўқотар (23.11–21.12)



Душанба куни раҳбарингиз меҳнатингизни тақдирлайди. Ва ишда сизга енгиллик яратилади. Чоршанба ва пайшанбани қувноқ кайфиятда ўтказасиз. Дўстларингиз билан алоқангиз яхшиланади. Улар сизнинг яқин кишингиз билан боғлиқ зиддиятни ечишда ёрдам беради.

Тоғ эчкиси (22.12–20.01)



Сўнги пайтларда яқинларингиз сизни тушунмаётганидан, уларнинг эътиборидан четда қолаётганингиздан хафа бўласиз. Улар билан тортишиб, кучингизни беҳудага сарфламанг. Арқонни узун ташланг. Ҳафта сўнгига бориб, уни тортишнинг ҳам пайти келади. Шунда ҳаммаси жойига тушади.

Қовға (21.01–19.02)



Сиз бир лойиҳа устида бош қотираяпсиз. Аммо бу ишонган тоғларингизга унча ёқмаслиги мумкин. Муҳими, ўз ишингизни давом эттиринг. Вақти келиб, сиз ҳақ бўлиб чиққанингизда улар тилини тишлаб қолиши аниқ. Дам олиш куни зиёфатга борасиз, фақат майхўрликдан тийилинг.

Балиқ (20.02–20.03)

Бу ҳафта балиқлар ўзларини яхши ҳис қилади. Бўйдоқлар, учрашувга чиққанда бироз ўйлаб гапиринг. Бир гап билан ёнингиздагини хафа қилиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Молиявий масалада омадингиз келади, лекин харажатларингиз ҳам кўпаяди. Ҳафта сўнгида ҳамма ишларингизни четга суриб, саёҳатга отланинг.

Фарангиз УМИДОВА тайёрлади.

ҚАДРИЯТЛАР

МИНГ ЙИЛЛИК ТИЛАК

«Тўйники — тўполон» деб бежиз айтмайдилар. Гулнора кайвонининг овози тинмайди. Ҳали меҳмонлар олдига, ҳали ошхонага югуради. Ҳар замон хизматчиларини ҳам койиб қўяди. «Ходим хола» шошилмай, қоғозларда ёзилмаган сценарийлар асосида ўзимизнинг урф-одатларимизни адо этишга киришади. Гулнора Хосият момога ҳам нималарнидир уқтиради. Кеч кира бошлади, карнай-сурнайлар садоси остида куёв навкарлар қуршовида куёв кириб келди. Ичкарига олиб киринглар, дея Хосият момо уларни чимилдиқ тортилган хонага чорлади. Куёв билан жўралари тик турган ҳолатда таъзим қиларкан, Гулнора кайвони билан Хосият момо ҳазил-ҳузул қилишиб, дастурхон ёзди. Унда турли пишириқ-таомлар тўққиз товоққа бўлинган эди. Сарполар улашилди. Йигитларнинг бири белидаги белбоғини ечиб, ҳамма нарсани солиб, тугиб олганидан сўнг келинни олиб келиш учун момоларга суюнчи ташлади. Узоқ дуо ўқилиб, уларга ҳам яхши жойлардан ато этишини тилаб, куёв жўраларга жавоб берилди. Узоқдан қизлар кулгуси ва ёр-ёрлар эшитилди:

Шилдир-шилдир қамишга
Сирғам тушди ёр-ёр.
Синалмаган куёвга,
Синглим тушди ёр-ёр...

Қизлар келинни остонагача кузатиб келишди. Кекса момо саломнома ўқиб, қизни чимилдиққа чорлади, у оҳиста кўрпачага ўтирди. Куёв эса минг ҳаяжон ила аёллар шовқини аро айтилган удумларни бажарарди. Бир пайт қулоғи остида Гулнора кайвонининг «қани энди оёқ босдини бошлаймиз» деган овози эшитилди. «Тез-тез, қани-қани» деган хитоблар янгради ва бироздан сўнг: «Куёв босди-куёв босди», дейишди.

Хосият момо билан Гулнора кайвони чимилдиқдаги урф-одатлар адо этиб бўлингач, бир ликопчада ширинлик олиб келишди:

— Қани болаларим, бир-бирингизни ширинлик билан меҳмон қилинглар-чи! — дедилар. Йигит қайлиғининг оғзига конфет солди. Қиз йигитга. Хола чироқ айлантирамиз деди-да, чироқ олиб келин билан куёв бошидан айлантириб ният қила бошлади:

— Чироқ куёвдан айлансин,
Куёв келиндан айлансин!

Кекса онахонлар дуога қўл очдилар.

Куёвни бошқа уйга олиб ўтишиб, «Куёв ош емади» удумини бошладилар. Ош устига катта илик қўйиб, Гулнора опа елиб-югуриб куёвни ош ейишга ундарди. Куёв билан жўралари дастлаб ошга қўл урмади. Хосият момо Гулнора холага:

— Чоп, куёвнинг қайнотаси билан қайнонасини чақир, куёв ош емаяпти, — деди.

Уй соҳибини чақиришди.

— Ука, куёвингиз ош емаяпти, — деди Хосият момо қайнотага.

— Куёв, ошни еяверинг, худо хоҳласа яхши кунларингизда қўчқор етаклаб бораман, — деди қайнота. Қайнотасининг товушини эшитиб, куёв бошини янада эгиб олди.

— Эгачи, куёвингиз ош емаяпти, — деди қайнонага.

— Куёвжон ош еяверинг. Бир йил ўтиб, фарзандларингизга бешик безаб бораман, — деди қайнона...

Қайнота ва қайнонанинг яхши ниятларига ҳамма жўр бўлди. Амма-холалар, тоға-ю амакилар ҳам ўз тилакларини айтгандан кейингина куёв ошга қўл урди. Ҳаммага қўлма-қўл узатиб, ош ошалади. Куёв жўралари билан эшикка чиқди. Қизни аммаси тўрдан эшикка етаклади. Чироқни кўтармоқчи бўлган қўшни келинни қизнинг аммаси юмшоққина жеркиган бўлди. Чунки у келин икки никоҳли бўлган эди. Чироқни қўш келинли, бир никоҳли Ойниса кампирга узатди. Чироқ кўтарган хола ўзини машинага олди.

— Отасини чақиринг, отасини! — Гулнора кайвонининг бу чақиригидан сўнг қизнинг отаси эшик олдига келди. Қизнинг юзига тутилган дурпардани очиб, ота қизининг пешонасидан ўпди. Қиз энгашиб отанинг тиззаларига бошини қўйди. Қиз ўзи севиб турмуш қураётган бўлса ҳам бағри ўртаниб кетди. Отасининг тиззаларини қучиб, йиғлаб юборди. Оқ ният билан қизининг бошига ун сепаётган отанинг кўз ёшлари қизининг боши узра тўкилди. Унсиз йиғлаётган ота кечинмаси ҳаммага таъсир қилди. Вағир-вуғир бир пасда тинди. Ҳатто, Гулнора холанинг товуши ҳам. Фақат қизнинг ўксик йиғисию отанинг хўрсиниши эшитиларди. Бу оғир жимликни бироз ўзини тутиб олган отанинг қизига берган дуоси бузди:

— Борган жойингда тощдай қот, ўзингдан кўпайгин, хўжайнинг, қайнота-қайнонангнинг ҳурматини жойига қўй! Ўсиб-ун болам!

Ҳа, дунё яралибдики, ҳар қандай отанинг қизига айтмиш энг эзгу тилагидир бу... Яратган ҳар қизга ана шундай ота дуосини олишни насиб этсин!

Мисқол РЎЗИЕВА

МУНОЗАРА

АЙБ СЕНДАМИ Ё МЕНДА?

ёхуд нега ўғил болалар туғилиши муаммога айланмоқда

Статистик маълумотларга кўра, кейинги қирқ йил давомида жаҳоннинг кўпгина йирик мамлакатларида ўғил болаларнинг туғилиши кескин камайиб кетган. Мазкур ҳол, айниқса, ривожланган давлатларда янада яққол намоён бўлмоқда.

Бу каби кўрсаткичлардан табиийки, яна ҳар галгидек Британия олимлари жиддий ташвишга тушиб қолишди. Улар тадқиқот устига тадқиқотлар ўтказавериб, ахийри ўғил болаларнинг дунёга келиш кўрсаткичи пасайишига асосан аёлларнинг семириб кетмаслик учун тутаётган парҳезлари сабаб, деб топишди. Чунки уларнинг таъкидлашича, доим «ёвғон» истеъмол қилиб келган қизлар (чунки, ҳеч кимга сир эмаски, калориясиз таом — хипча қадди баст томон ташланажак энг ишончли қадам ҳисобланади) келажакда наинки ўғил фарзанд, умуман бола кўра олмас эканлар. (Ҳа, эҳтимол бу ҳақиқатан ҳам британияликларга уларнинг олиму фозиллари кашф этган янгиликдир, аммо...)



Қолаверса, кейинги йилларда Британия аҳолиси орасида семириш шу қадар авж олиб кетдики, оқибатда аёллар фақат парҳез таомлар истеъмол қилишга деярли мажбур ҳам бўлиб қолишмоқда. Лекин шунга қарамай, бу мамлакат аёллари ўғил кўриш бахтидан бутунлай маҳрум бўлиб қолмаслик учун қадимдан қолган инглизча усуллардан ҳам жон жаҳдлари билан фойдаланишмоқда. Масалан, кўпроқ тузли ва шўр нарсалар истеъмол қилиш, хотин ҳамиша эрининг чап ёнбошида ётиши кераклиги ва бошқалар шундай ирим-сиримлардан ҳисобланаркан. Олимлар бу аҳмоқона усуллардан кўра, ўзларининг оқилона таклифларини тавсия этишмоқда. **Бу усул — биринчи ўринда эрталабки нонушта бақувват, юқори калори бўлиши билан боғлиқ. Ёмон таклифмас, тўғрими? Ахир инглиз хонимларигина эмас, ўзимизнинг ўзбек келинчаклари ҳам саҳарги нонушталарида бор-йўғи бир пиёла шакар чой ёки кофе билангина чегараланиб қўйиши ҳеч кимга сир эмас...**

Ваҳоланки, олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, кунига 2250 калория кучга эга озиқ-овқат истеъмол қилувчи аёлларнинг 59 фоизи албатта ўғил фарзанд кўришаркан. Шу билан бирга суткасига жами 1750 калория кучга эга таом истеъмол қилувчи аёлларнинг 59 фоизи оналарда ўғил фарзанд кўриш имконияти 15 фоизга камаяр экан.

Биз келтираётган бу натижалар шунчаки математик ҳисоб-китоблар бўлмай, ушбу тажрибада 740 та ҳомиладор аёл иштирок этган. Бу аёлларнинг ҳеч бири туғилажак фарзанди қайси жинсда эканлигини билишмасди. Уларнинг барчасидан ҳомиладор бўлгунга қадар асосан қандай таомлар истеъмол қилишганини ёзиб бериш сўралган. Буни қарангки, ҳар кунлик нонуштасида табиатан кучли ва ёғли таомлар истеъмол қилиш жону дили бўлган аёллар кўзи ёригач, қўчқордай ўғил фарзандлар кўришган.

Олимлар ҳанузгача бу синоатга аниқ жавоб тополмай, бунга балки юқори калорияли таомлар эркак ва аёл хромосомаларига қандайдир тарзда таъсир қилиши сабабдир, деб тусмоллашмоқда.

Майли, Европа олимлари бу масала устида ҳамон бош қотиришда давом этаверишсину, аммо бизнингча, бунинг сири бошқа томонда. Ахир қадимдан ўзбекларда наслу насабнинг давомийлигини таъминлаш учун келинликка бежиз айнан бақувват, иштаҳаси яхши қизлар танланмаган-да. Аммо шу билан бирга «Қўйинг хўра бўлса, берди худо, хотининг хўра бўлса урди...» дейишгани ҳам бор гап. Албатта, бир хотиннинг егани нима ҳам бўларди, бу нақл шунчаки ҳазилдир-ов. Ахир хўра бўлса ҳам «гумбиллатиб» ўғил туғиб берган хотиннинг барибир мавқеи бир поғона юқори ҳисобланиб келиниши ҳақиқат-ку!

Энди эса «хотиним нукул қиз туғади», деб нолиб юрувчи эркакларни қувонтирадиган ажойиб далилни эшитинг. Тан олиш керак, бундайларга «Шу ғайратинг билан нукул қиз туғдирасан», деб уларнинг қитиқ патига тегувчилар ҳам топилади. Йўқ, бундай даккини эшитган эркак бошини ҳам қилиши эмас, аксинча гердаймоғи керак! **Чунки эр кучли жойда қиз бола, аёл устун келганда эса ўғил бола туғилиши аллақачон исботлаб бўлинган. Фақат эркаклар ҳаттоки, ўз устунликларидан ҳам воз кечган ҳолда нимагадир қиз фарзанд дунёга келса биринчи ўринда бунга аёлларини «айбдор» қилиб кўрсатиши ғалати.**

Хуллас, бизга «эскилик», британия олимлари учун янгилик ҳисобланган бу далилларни ўзбекчалаштириш жараёнида тўрт ўғил, бир қизи (кенжа) бор Момохол исмли онахондан «Ўғил фарзанд кўришнинг қандай сири бор?» деб сўрагинимизда, у киши саволимдан мириқиб кулдилар-да, «Бунда ҳеч бир сир-пир йўқ. Мен, сизларнинг тилингиз билан айтганда, шу бақироқ чолимни роса севганман. Шунинг учунам тўққаним ўғил бўлган. Фақат охирги пайтда, билмадим, у кишини кўпам хушламай қўйгандим. Тўртинчимиз қиз туғилувди, бобонгиз хурсандлигидан энди мени суйиб қолса денг»...

Билмадик, бу хола шунчаки ҳазил қилдими ёки ўзи билган ҳақиқатни айтдими, аммо ўғил ёки қиз фарзанднинг дунёга келишида барибир энг муҳими МУҲАББАТ экан. Кимнинг муҳаббати кучлироқ эканлигини эса фарзанд туғилгач, билиб олаверасиз...

Қолаверса, сиз, муҳтарам газетхон, бу масалага доир қандай маълумотларга эгасиз? Балки ўзингиз ҳаётда қўллаган ёки гувоҳи бўлган ўғил ёки қиз фарзанд кўриш усулларинг британиялик олимлар ҳам тополмаган сирларини биларсиз? Унда марҳамат, бу ҳақда мактуб йўлланг, кўнгироқ қилинг ва энг муҳими, одамларга яхшилик тиланг.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА

ТОҚАТ ВА ҚАТЪИЯТ ШИОРИ БЎЛГАН АДИБ

Мен кейинги пайтларда буюк инсонларнинг буюк мақсадларига лол қола бошладим. Ва ўйлайманки, эҳтимол одамнинг ўзи эмас, балки фақат мақсадигина улуғ, буюк бўлар экан. Чунки биз ҳурмат қилиб, улуғлаб юрган шахсларнинг кўплари қилган айрим ишларни ўқиб, эшитиб, кўриб, ҳайрон қоласан киши.

Бир умр қулоғигача қарзга ботиб яшаган Бальзак ўз мақсади сари қатъий интилувчи инсон эди. Унинг ҳаёт йўлига разм солиб, кишини аллақандай ички бир титроқ, ўз фаолиятидан қониқмаслик ҳисси қоплайди. Жаҳон адабиётининг энг кўзга кўринган вакили бошқалар каби ёзувчиликни ёшликдан орзу қилмаганди. Бу истак унда йигирмага киргандагина тўсатдан пайдо бўлади. Шунга кўра, Бальзакдан тайинли ёзувчи чиқмаслиги ҳам керак эди, гўё. Ахир йигирма ёшли йигитнинг тўсатдан қалам олиб, ёзишга киришиши бироз ўнғайсиз ва ишончсизроқ. Бироқ Бальзак шундай одам эди: бирор ишга қўл урдими, унга бутун борлиғи билан шўнғиб кетар ва шундан бошқа деярли ҳеч нарсани тан олмасди. Шундан кейин тўрт-беш йил давомида унинг ижод «фабрикаси» тинимсиз ишлади ва жазавали бир тарзда турли тахаллуслар билан ўнлаб романлар битди. Бу асарларнинг сариқ чақага ҳам арзимаслигини унинг ўзи ҳам билган бўлса керакки, уларга ҳатто ўз исмини ҳам қўймайди. Кейин у бирдан бу касбни ташлаб, тижоратга ўтди. Китоблар чоп эта бошлади, нашриётга эгалик қилди. Бироқ бу соҳаларда ҳам бирор бир ютуққа эга бўлмади. Бунинг барчасига унинг ўта берилувчанлиги, жазавали тарзда ишлаши сабаб эди. Ахир, тижорат, биласизки, биринчи галда совуққонликни талаб қилади. Ниҳоят, ёши ўттизга етиб қолганда у яна ижодга қайтди, ҳақиқий ижодга. Энди у аввалгидек кўзбўямачилик қилмади. Эҳтимол, ёзувчи фақат ижоддагина унинг жазава билан ишлаши зарар етказмаслигини тушуниб етгандир. Бу даврда у ўрта ҳисобда кунига олтмиш саҳифадан ёзди. Бунинг устига яна таҳрирларни ҳам қўшиш керак. Таъкидлаш керакки, Бальзак ҳар бир асарини 15-16 мартагача таҳрир қилар ва биринчи таҳрирдаги асар охиргисига умуман ўхшамас, деярли бошқача бўлиб кетарди. Бу жараёнда янги қаҳрамонлар, бутунлай янги воқеа, сюжетлар қўшилиб кетарди. Шу боис ҳам у тинимсиз равишда, ҳафталар давомида ўз хонасидан ташқарига чиқмай ишларди.

Бироқ қанчалар оғир меҳнат қилмасин, ёзувчи умрининг охирига қадар қулоғигача қарзга ботган ҳолда қолаверди. Илк бор ёзувчиликни ташлаб, тижоратга ўтган пайтларида 20 минг франк атрофида қарзи бор эди. Машҳур ёзувчи бўлиб кетганида эса унинг қарзи 200 минг франкдан ошиб кетди. У йигитлик чоғлариданоқ қарзларни бадавлат бева аёлга уйланиб узишни орзу қиларди. Аммо айнан шу қарзлар уни тинимсиз ишлаш, ижод қилишга мажбурларди. У ҳали ёзилмаган асарларини ҳам сотиб қўяр, кейин тунларни тонгларга улаб ишларди.Ва унинг бутун ҳаёти даомидаги ижоди шу тарзда кечди.



Оноре де Бальзак, француз реалист ёзувчиси, (1799-1850 й, Париж)

Асарлари:

«Сағри тери тилсими» (роман)

«Гобсек» (қисса)

«Горио ота» (роман)

«Инсоният комедияси» номли кўп жиллик эпопеяси учун ўйланган 143 асардан 97 тасини ёзган. Бальзакнинг «Евгения Гранде», «Горио ота», «Гобсек», «Сағри тери тилсими» асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

Бальзак ҳаётда ёлғончироқ одам бўлиб, тинимсиз равишда қарз олган кишилардан қочиб юрар, имкон қадар уларни қайтармасликнинг илинжида бўларди. Ишончсизроқ одам эди у. Бир сўз билан айтганда, унинг ахлоқий даражаси унча ҳам юқори эмасди. Шунга қарамай, одамлар уни қаттиқ ҳурмат қилишарди. Ахир нима бўлганда ҳам у меҳнатдан қочмасди, ишларди, интиларди.

Буларнинг барчаси кишини бир хулосага келишга ундайди: инсоннинг ўзлигини танитадиган, жамиятдаги ўрнини белгилаб берадиган нарса бу — меҳнат ва мақсад экан. Қолган барчаси иккинчи даражали нарсалар, холос!

Шунинг учун ҳам Бальзакнинг тижоратдаги ношудлиги, соддалигида, жаҳоннинг энг олд ёзувчиси бўлищдек мақсади бўлмаганда ва бунинг учун тинимсиз ишламаганида, албатта у ҳеч ким бўлмай дунёдан ўтиб кетган бўлармиди, деган хулосага келади киши.

Баъзан бир нарсага ҳайрон қоласиз: шароит ҳам мақсадни амалга оширишга таъсир қиларкан. Ҳа, ҳамма гап ҳам ана шунда: ҳар қандай шароит кишини илҳомлантиради, унинг ниятини амалга ошириш учун қўшимча куч бағишлайди. Масалан, мусофир одам ўзининг ватанидагидай сўлжайиб юрмайди, ҳаракат қилади. Эсингизда бўлса, «Шум бола» фильмида Омон қўйини олдириб қайтганидан сўнг Қоравойга: «Мен қишлоққа сўппайиб кириб боришга ор қиламан», – дейди. Айнан шу нарса, билса, билмаса, барча мусофирларнинг шиорига айланади...

Демак, гап шароитда эмас, балки инсоннинг ўзида, унинг барча ички имкониятларини ишга солишида.

Бальзак эса ўта омадсиз инсон эди. Қандай ишга қўл урмасин, барчаси тескарисидан келади: ноширлик қилиб, китоблар чоп этади, уларни ҳеч ким олмайди, охир оқибатда «қоқи баҳоси»да сотишга мажбур бўлади; нашриёт очади, банкротга учрайди; тижорат билан шуғулланади, бир умр қарзга ботиб кетади; депутатликни орзу қилади, бунинг учун ўрин очилишига муваффақ бўлади, бироқ мулкий «чиғириқ»дан ўтолмайди; ҳатто ўша замон қонунларига асосан айбсиз бўлган бир инсонни судда ҳимоя қилмоқчи бўлади, судланувчини ўлимга ҳукм қиладилар. Хуллас, у нимага қўл урмасин, барчаси чаппасига кетарди. Шеърий асар битади, ўта омадсиз чиқади, катта даромад қилиш илинжида ёзган драмалари инқирозга учрайди.

Агар унда мақсад ва ирода бўлмаганида эди, шу омадсизлигида хароб, ҳокисор бир ҳолда яшаб, ном-нишонсиз ўтиб кетган бўларди. Бироқ унда мақсад бор эди.

Кўпчилик орзуни ҳам мақсад деб ўйлайди. Аслида бундай эмас, унга эришиш йўлида ҳаракат қилинмаган, интилинмаган мақсад хомхаёл, холос. Хомхаёл эса ҳаммада бор. Улар ўз омадсизликларида ҳар доим кимларнидир айблаб юришади.

...Бальзак Парижнинг энг обрўли ноширлари, журналистлари билан тескари бўлиб қолади. Унинг устига тинимсиз равишда мағзава ағдариш бошланади. Ёзувчининг ахлоқий жиҳатдан унча ҳам тоза эмаслигини айтадиган бўлсак, буларни мағзава демаса ҳам бўлар. Бироқ ёзувчи ҳам, ёлғиз бўлса-да, қарзларини тўламай, барча яқинларини бездириб қўйган бўлишига қарамай, анойи эмасди. Душманлари ҳам уни қанчалар ёмон кўришмасин, иқтидорига тан беришга мажбур эди.

Аслида ҳеч бир инсон бошқанинг ҳаётига хўжайинлик қилолмайди. Ҳаётда ҳамма ҳам бир хил даражага эга эмас ва ҳеч кимга имтиёз берилмаган. Фақат бировга мақсад берилган, бировга йўқ. Пул ва таниш-билишлар ҳам ўз мақсади борларгагина хизмат қилади. Инсоннинг интилиши бўлмаса буларнинг ҳам сариқ чақалик фойдаси тегмайди. Одамлар ўз нияти йўлида ҳаракат қилганларга барибир ёрдам берадилар, қўллаб-қувватлайдилар. Бундан ташқари киши ўзи ҳақида қандай фикрда бўлса, қолганлар ҳам буни ўзгаришсиз қабул қилади.

Меҳнат ва мақсад сари қатъий интилиш – мана, Бальзакни инсониятнинг машҳур кишиларидан бири бўлишига сабабчи ҳолат. Бу ерда иқтидор, истеъдод ҳақида гапириш бироз ўнғайсиз. Имоним комилки, агар ўшандай меҳнат қиладиган бўлса, ҳар қандай киши ҳам шундай шуҳратга эга бўла оларди. **Бу ерда иқтидор фақат бир нарса – яхши ниятда ишлаш, меҳнатга тоқат қилишда, қатъиятликда, холос**. Бу ҳолат ушбу ёзувчининг шуҳратига, қилган ишларига соя ташламайди.

Дарвоқе, яна бир гап, Бальзак барибир бадавлат бева аёлга уйланиш тўғрисидаги ниятини ҳам амалга оширди. Ҳолбуки бунинг учун у украиналик бадавлат хонимни топиб, унинг эри ўлишини кутди, сўнг жувоннинг қизи турмушга чиққунча сабр қилишига тўғри келди. Бироқ икки ўртада умр ҳам ўтиб кетган эди. Ахир кимларгадир бемаънилик бўлиб туюлган бу мақсадини ҳам амалга оширмаганда Бальзак Бальзак бўлармиди? Ва ниҳоят у ҳаётининг сўнгги кунларида шу бева хонимга уйланди.

Аслини олганда инсонга умр узоқ ҳам, қисқа ҳам эмас, балки кўзланган мақсадни амалга ошириш учун етадиган даражада белгилаб, ўлчаб берилади, чамаси.Шундай эмасми?

Исмоил ШОМУРОДОВ

ОСТОНАДАГИ САВОБ

ФИКР

...Бекатда уч-тўрт нафар ёш йигит «гамбургер» еб, қоғозларини шундоққина кўчанинг юзига ташлашди. Уларнинг бу хатти-ҳаракатини кузатиб турган кекса онахон: «Болажонларим, ёнгиналарингда чиқинди қутиси турибди-ку, шунга ташласанглар асакаларинг кетмас», дея танбеҳ берди. Лекин ҳалиги йигитлар пинакларини ҳам бузмай, кампирга орқа ўгириб, бир-бирига қараб кулиб қўйишди, холос.

Яна бир воқеа: ўртоғимнинг туғилган кунига совға олиб, уни табриклашга ошиқдим. У яшайдиган кўп қаватли уйнинг ёнидан кичкина ариқча ўтар экан. Не кўз билан кўрайки, унинг ичида нон бўлакчаларидан тортиб, болаларнинг ўйинчоқларигача сузиб юрар, ахлат солинган балчиқдан бадбўй ҳид келарди. Йўлакка кираверишда эса ўнг бурчакдаги елим халтачалар устида чивинлар айланиб ётарди. Сўнг олтинчи қаватга кўтарилиш учун лифт тугмасини босдим. Эшик очилиши билан унинг ичида анқиётган ачимсиқ ҳиддан кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Пиёда чиқмаганимга афсусландим. Ҳар тугул дугонам эшигининг олдини супуриб, саранжом-саришталаб қўйганини кўриб, кайфиятим бироз кўтарилди. Мезбон мени қувноқ кутиб олди. Меҳмонларнинг кўпчилиги ҳали келишмаган экан. Мен атрофга разм солдим. Унинг уйи дид билан безатилган, ораста ва озода эди. Кўнглим яшнади.

Дарвоқе, ўзимиз турадиган уйни-ку чинни-чироқдай қилиб қўямизу, лекин кўп қаватли уйларнинг кираверишидаги асосий йўлакларга умуман эътибор бермаймиз. Биз излаётган савоб аслида ана шу остонада эмасмикан?

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА

НАМУНА БЎЛАЙЛИК

МУНОСАБАТ

Ҳурматли таҳририят! Мен шу газетанинг кўп йиллик мухлисиман. Ўнлаб мақолаларим ўтган йиллар давомида чоп этилган. Албатта, зиёли одам ҳеч қачон бефарқ яшолмайди. Айниқса, кейинги пайтларда севимли газетамизда босилаётган мулоҳазали, таҳлилий чиқишлар, тўғриғи, фарзанд тарбияси, оилани мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзулардаги мақолалар менда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Орзу-умидимиз эса кўз қорачиқларимиздан, истиқболимиз фарзандларимизга боғлиқдир. Худди шунингдек, болалар тарбиясида ҳамма – ота-она, боғча, мактаб, маҳалла, жамоатчилик, ички ишлар... қисқаси, бутун халқимиз бирдек масъул. Бу хусусда сеники-меники каби сансолорлик қилиш ярамайди. Тўғри, қуш уясида кўрганини қилади, деган гапга қўшилмай илож йўқ. Аммо мактаб, маҳалла, яъни ташқарида ижобий муҳит кучли бўлса, қуш уясида кўрганини қилмаслиги ҳам мумкин-ку!

Фарзанд тарбиялаш учун, аввало, ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши лозим. Катталар кичикларга шахсий намуна бўлолмас экан, қанча панд-насиҳат қилинмасин, бари ҳавога кетади. Фарзандларимиз босган ҳар бир қарич қадам ота-оналарни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Чунки улар юз ёшга борса ҳамки, биз учун бола-да!

Эргаш АТОЕВ,
Қизилтепа тумани

САФАРИНГИЗ ХАТАРЛИ... БЎЛМАСИН!

Дунё бўйлаб саёҳат ҳамиша одамларни қизиқтириб келган. Ер юзининг энг гўзал ва ҳайратланарли жойларини томоша қилиш кўпчиликнинг орзуси. Турли хорижий мамлакатларга сафар қилиш эса техника тараққий топган бугунги кунда у қадар муаммо ҳам эмас. Бироқ сайёрамизда шундай гўшалар ҳам борки, у ерга боришни асло-асло тавсия этмаган бўлардик.

Хўш, улар қанақа жойлар бўлиши мумкин?

"УЛКАН АХЛАТЛАР ТОҒИ"

Тинч океани соҳилларида худди шундай номланувчи жой бор. Бу ифлос ҳудуд Тинч океанининг шимолий соҳиллари марказида ҳосил бўлган. Унинг

ҳажми ҳеч кимга маълум эмас, аммо майдони Техас штати ҳудудидан кам эмас деган тахминлар бор. Ушбу улкан тоғ йиллар давомида Тинч океани оқими келтирган ахлатлар тўпламидан шаклланган ва айни кунда ўта юқумли касалликларни чақиришнинг ҳам энг катта манбаларидан бири ҳисобланади. Улкан уммон соҳилларида яшовчи одамлар, келиб-кетувчи сайёҳларнинг ўзлари бунёд этган бу бехосият ҳудудни йўқ қилиш чораси топилишидан кўра, унинг аксинча, янада кенгайиб бориш эҳтимоли юқори эканлигига афсусланишдан бошқа иложимиз йўқ.

АЛЬНВИК ЗАҲАРЛИ БОҒИ

Англия шимолидаги Нортумберленд графлигига қарашли Альнвик шаҳрида заҳарли ўсимликлар боғи мавжуд. Бу ўсимликларнинг аксарияти махсус темир панжаралар билан ўраб ҳимоя қилинади. Чунки бу ўсимликлар нияти ёмон

одам учун қотиллик қуроли вазифасини ўташи, озгина эҳтиётсизлиги ёки бахтсиз тасодиф туфайли оддий одамларнинг қурбон бўлишига олиб келиши мумкин. Бу каби боғларни яратиш ғояси аслида италияликлардан чиққан бўлиб, 1500 йилда Италиянинг Падуя шаҳрида илк бор доривор ва заҳарли ўсимликлар етиштириладиган ботаника боғи барпо этилган эди.

Хуллас, сафар режангизда юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ҳам бўлса, бу жойларни анча олисдан айланиб ўтганингиз маъқулроқ.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●

ЯНГИ ҲУКУМАТДА 11 НАФАР ЭСКИ ВАЗИР

Японияниng янги бош вазири Наото Кан 17 кишидан иборат ҳукумат таркибини тасдиқлади, дея хабар тарқатди AFP.

Наото Кан ҳукуматига собиқ вазирлар маҳкамасининг 11 нафар вакили киритилган. Жумладан, ташқи ишлар вазири Кацуя Окада, мудофа вазири Тосими Китацава ва транспорт вазири Сейжи Маехара ўз вазифасида қолган. Асосий ўзгаришлардан бири Йосихико Ноданинг молия вазири этиб тайинланиши бўлди. Илгари бу лавозимда Наото Каннинг ўзи ишлар, Нода эса унинг ўринбосари эди. Собиқ миллий хавфсизлик масалалари вазири Йосито Сенгокуга бош вазир ўринбосари ва вазирлар маҳкамасининг бош котиби вазифалари ишониб топширилди.

Собиқ бош вазир Юкио Хатояма ва унинг вазирлар маҳкамаси жорий йилнинг 4 июнь куни истеъфога чиққан эди.

ВЕНГРИЯ ПОЙТАХТИ ХАВФ ОСТИДА

Можаристон шимолидаги тинимсиз ёғинлар сабаб минглаб аҳоли ҳаёти хавф остида қолди.

Айни пайтгача катта-кичик селлар Дунайга мунтазам қуйилиб турибди. Дарё суви кўтарилиб, пойтахтнинг бир қисмида қум тўлдирилган қоплардан дамбалар қуришни тақозо қилмоқда. Бир ойдан бери давом этаётган ёғинлар Ҳернад, Сажи ва Болдва дарёларининг тошишига сабаб бўлган. Табиий офат туфайли бу йил мевачева 30–40 фоизга камайиши тахмин қилинмоқда. Бундай ноқулай об-ҳаво келгуси ҳафта ҳам давом этиши кутилмоқда.

МАРСДА УЛКАН КЎЛ БОР

Марсда узунлиги икки минг километр, чуқурлиги эса саккиз километрлик кўл борлиги аниқланди.

Мазкур геологик маълумот NASA ҳузуридаги планетология институти мутахассислари тузган қизил сайёранинг янги харитасида кўрсатилган. Олимлар Эллада текислигидаги чўкинди қатламини таҳлил этишиб, шундай фаразни илгари суришди. Буни махсус асбоблар орқали олинган («Викинг», «Марс Орбитер») маълумотлар ҳам тасдиқлади. Шунингдек, тадқиқотчилар кўлнинг тахминий ёшини ҳам аниқлашди. 3,5–4,5 миллиард йил илгари пайдо бўлган қадимий кўлнинг қолдиқлари бошқа ҳудудларда топилган. Аммо қизил сайёрада сув борлиги 2008 йили «Феникс» зонди ёрдамида олинган тупроқ таҳлил қилингандаёқ маълум бўлганди.

КЕЛИННИ ЧАҚМОҚ УРДИ

Севгилисига «сюрприз» қилмоқчи бўлган 30 яшар Ричард Батлернинг орзулари саробга айланди.

Йигит "Менга турмушга чиқасанми?" дея, эндигина никоҳ узугини чўнтагидан чиқарган маҳал 25 яшар Бетани Лотни чақмоқ уриб кетди. Шўрлик қиз бундай ёқимли таклифга жавоб беролмай ҳалок бўлди. Батлер эса оғир жароҳатланди.

"Asheville Citizen Times" газетасида ёзилишича, АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги тоғлар бағри бўйлаб сайрга чиққан ошиқ-маъшуқлар табиат гўзаллигидан баҳра олиб туришганида, чақмоқ чақа бошлайди. Шунда яшин тўсатдан қизнинг қоқ устига тушади.

Учинчи даражали куйиш ташхиси қўйилган Батлер: «У ҳали менга жавоб бериб улгурмаган эди. Бирдан чақмоқ чақди. Мен бир айланиб йиқилдим. Пойабзалларимдан тутун чиқар, оёқларим олов ичида эди. Бетани томон эмаклаб, ёрдамга шошилдим. Аммо уни қутқариб қололмадим», дейди.

Воқеа жойига 20 дақиқадан кейин етиб келган қутқарувчилар Ричард Батлерни шифохонага етказишди. Бахтдан масрур қиз сўнгги бора «Қара, қандай гўзал манзара...» дея олган, холос.

БИР УНЦИЯ ОЛТИН — 1250 ДОЛЛАР

Дунё бозорида олтиннинг нархи рекорд даражага чиқди, яъни унинг бир унцияси 1250 доллардан зиёд баҳоланмоқда.



8 июнь куни NYMEX биржасидаги савдода қимматбаҳо металлнинг фьючерс нархи ой бошига қараганда 8 долларга кўтарилиб, 1252,1 долларни ташкил этди. Эслатиб ўтамиз, май ойи ўрталарида бир унция олтин нархи 1233 доллар, 2009 йил охирида эса 1226 доллар эди.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.



•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ

РАВШАН ЭРМАТОВ «ЖЧ-2010»НИНГ ОЧИЛИШ УЧРАШУВИ БОШ ҲАКАМИ!

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) ўзбекистонлик Равшан Эрматовни Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилиш учрашуви – мезбонлар ЖАР ва Мексика ўртасидаги учрашувга бош ҳакам этиб тайинлади.

Ўз карьерасини 2003 йилда бошлаган Равшан Эрматов жаҳон чемпионатини бошқарадиган ўзбекистонлик илк ҳакам бўлади. Эрматов 2008 ва 2009 йилларда Осиёнинг энг яхши ҳаками унвонини қўлга киритган.

Шу вақтга қадар у 17 ёшлилар ўртасидаги жаҳон чемпионатини уч марта, 20 ёшлилар ўртасидаги жаҳон чемпионатини бир марта бошқарган. 2008 йилда Эрматов клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал босқичини бошқарган эди.

ЖАРда Эрматовга ўзбекистонлик Рафаэл Илёсов ва қирғизистонлик Баҳодир Кўчқоровлар ёрдам беришади.

Таъкидлаш жоизки, Равшан Эрматов МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ҳудудидан жаҳон чемпионатига йўл олган ягона бош ҳакам ҳисобланади.

«РОЛАН ГАРРОС» ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ



Ниҳоят теннис бўйича жаҳонда ўз нуфузига эга бўлган Франция – 2010 очиқ чемпионати, яъни «Ролан Гаррос» кубогининг сўнги ғолиби аниқланди. Испаниялик машҳур теннисчи Рафаэль Надаль мусобақа фаворити дея эътироф этилган эди ва у бу таърифни оқлади. Ишончли ўйин кўрсатиб, финалга етиб келди. Спортчининг финалдаги рақиби Робин Содерлинг ҳам ёмон ўйнагани йўқ. Лекин унинг тажрибасизлиги бироз панд берди. Рафаэль тўпни кўпроқ ўткир бурчакка йўллаб, керакли очколарни қўлга киритди ва рақиби — швециялик Робин Содерлингни мағлубиятга учратиб шоҳсупага кўтарилди. Шу билан биргаликда дунё теннис рейтингининг 1-поғонасини ҳам қайта эгаллади.

БЕНИТЕС – "ИНТЕР" БОШ МУРАББИЙИ

Миланнинг "Интер" жамоаси президенти Массимо Моратти берган маълумотга кўра, испаниялик мураббий Рафаэль Бенитес билан ўтказилаётган музокаралар ниҳоясига етган. Хабарда айтилишича, кеча Рафаэль Бенитес Милан шаҳрига учиб келган.

"Биз Бенитес билан шартнома борасидаги барча майда-чуйда саволларни ҳам кўриб чиқишга муваффақ бўлдик. Энди унинг номи "Интер"нинг янги бош мураббийи сифатида расман эълон қилинади", — дейди Моратти Sky Italia нашрига берган интервьюсида.

Football Italia нашри маълум қилишича эса, миланликлар Бенитес билан уч йиллик шартнома имзолаганлар ва бу келишув томонларнинг розилиги билан яна бир йилга узайтирилиши мумкин. Бу вақт оралиғида испаниялик мутахассис йилига 3.5 миллион фунт-стерлинг маош олади.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

САМИМИЯТНИ БОЛАЛАРДАН ЎРГАНИНГ!

ОЙНА

Ҳақли жавоб

Бир куни Исмигулларникига аммаси келди. Уни кўриб аясининг ранги ўзгарди. Меҳмон билан кўришаётиб, бир мақолни айтди: «Хола келди — лола келди, амма келди — чақиртиканак келди». Қизча бўлса онасининг меҳмонга бетинг-кўзинг демай шу мақолни айтганидан уялиб кетди. Чунки биларди, аммаси жуда беозор ва меҳрибон аёл. Баъзи бекорчи хотинларга ўхшаб уйига шошилмай, эзилиб ўтиришни ёмон кўради. Ҳар ўн-ўн беш кунда ишдан қайтаётиб, укасининг оиласи, бола-чақасини кўриб ўтишга одатланган. Бунинг нимаси ёмон?

Орадан ҳафта ўн кун ўтди. Аяси энди овқатни сузувдиямки, аммаси қўлида чиройли қўғирчоқ ва коптокча билан кириб келиб қолди. Келин бу гал ҳам қайнопа билан кўришаётиб, «Бизнинг ўйга ҳамма вақт тайёр ошга баковуллар келиб туришади», дея гап билан чимдиб олди. Исмигул мақолнинг маънисига унча етмаса-да, аммо яхши маъно англатмаслигини ич-ичидан сезиб турди. «Аммам яхши аёл, шу мақолларни мендан яхши тушунадику-я, лекин жанжал чиқмасин, деб ўзини тушунмаганга олади, — ўйлади қизча. — Аям мен билан укамни бирдек яхши кўради. Бувим ҳам дадам билан аммамни худди шундай — икковини ҳам баб-баравар яхши кўрган-ку! Нега аям аммамни ёқтирмайди?»

— Ая, — деди бир куни Исмигул, — мен катта бўлсам, ҳеч қачон укамникига бормайман.

— Нега?! Мен сизларни бирдай суйиб, бирдай тарбия қилаяпман-у, сўнг икковинг бир-бировингдан ажраб, бир-бирингдан хабар олмай, бегонага ўхшаб кетасизларми? Мен бунга қандай чидайман?!

— Ҳар борганимда укамнинг хотини сизга ўхшаб заҳар-заҳар мақолларни айтаверса, ёқадими менга?..

Ҳақли савол

Бир куни эрталаб дадаси Дилмуродни машинасида мактабга олиб кетаётганди. Светофорнинг қизил чироғи ёниб, машиналар тирбанд бўлиб тўхтаб қолди. Қарашсаки, ёнма-ён турган машина дадасининг Қаҳрамон деган ўртоғиники экан. Икки ошна қуюқ саломлашди.

— Йўл бўлсин, Қаҳрамон? — сўради дадаси.

— Бобойни дўхтурга кўрсатай деб олиб чиқувдим, — деди у орқа ўриндикда ўтирган чолга ишора қилиб.

Яшил чироқ ёниб, ҳамма ўз йўлига кетди. Дилмурод сўради:

— Қаҳрамон аканинг машинасида ўтирган ким?

— Дадаси, болам.

— Қаҳрамон акам ҳам ёшлигида менга ўхшаб ҳар куни дадасининг ишдан қайтишини кутиб, келгандан кейин унга осилиб, қучоқлаб, эркаланиб, олиб келган нарсаларини кийиб, ичиб катта бўлганми?

— Бўлмасам-чи, ўғлим, — деди йўлдан кўзини узмай дадаси.

— Нега унда дадажонисини дадам демай, бобой дейди?

Ота ўғлининг ҳақли ва ўринли саволига жавоб тополмай қолди...

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

АҚЛИНГНИ ПЕШЛА!



Тузувчи: Илҳом ЖУМАНОВ

МАШҲУРЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ

ТОМАС ГОББС: «ХАТО ҚИЛИШ УЯТ ЭМАС!»

Табиий қонунлар ўзгармас ва мангудир. Инсон табиатига хос табиий қонунларнинг сони 12 та:

1. Шукроналик. 2. Адолатлилик. 3. Ўзаро ён босиш ва илтифот. 4. Кечиримлилик. 5. Эзгу келажак ҳақида ўйлар, 6. Ҳақоратга дош беролмаслик, мағрурлик. 7. Холислик. 8. Буюмлардан фойдаланишдаги тенглик. 9. Башоратга ишониш. 10. Эгалик ҳуқуқи. 11. Ҳакамга итоат этиш. 12. Ўзига-ўзи ҳакамлик қилолмаслик.

* * *

Ушбу сатрлар муаллифи — Англиянинг жанубидаги Веспорт қишлоғида туғилиб ўсган инглиз файласуфи Томас Гоббс. Унинг онаси содда деҳқон аёли, отаси руҳоний эди.

Томас 15 ёшида Оксфорд дорилфунунига ўқишга киради ва икки йилдан сўнг уни битириб, мантиқ илмидан маъруза қила бошлайди. 1608 йили у Уильям Кавендишнинг ўғлига мураббийлик қилади. Гоббс 1610 йилдан бошлаб уч йил давомида Фарангистон ва Италияда яшайди. 1613 йили у сиёсатчи ва файласуф Фрэнсис Бэконга котиблик қилади. 1636 йили файласуф Италияга жўнайди ва у ерда Галилей билан учрашади. Томас Гоббс ҳандаса илмини жуда катта қизиқиш билан ўрганган.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Фалсафа асослари» (1640–1658), «Фуқаро ҳақида» (1642), «Жисм ҳақида» (1655), «Инсон ҳақида» (1658), «Левиафан» (1658).

1646 йилда Гоббс Карл I нинг ўғли шаҳзода Уэлсскийга (бўлғуси Карл II) риёзиётдан сабоқ бера бошлайди. Файласуфнинг арофида уни кўролмайдиганлар кўп эди. Шу боис Томас Гоббсни кексайган чоғида дахрийликда айблашади. Унинг «Фуқаро ҳақида» ва «Левиафан» номли китоблари руҳонийлар томонидан тақиқланган адабиётлар рўйхатига киритилади. Гоббс сўққабошликда ҳаёт кечирган.

Томас Гоббс шундай ёзган:

«Эркинлик ва зарурият доимо биргаликда мавжуддир. Масалан, дарё суви эркин оқади. Лекин у ўзандан чиқмаслик шартига бўйсунади. Шунга кўра, айтиш мумкинки, барча ихтиёрий ҳаракатлар, аслида, мажбурийдир».

* * *

«Хато қилиш уят эмас. Янглишиш ҳамма одамларга хос хусусият. Лекин олимлар имкон қадар хато қилмасликлари жоиз. Адашиш уларнинг вазифасига зиддир».

* * *

«Мен тақдирнинг оғир зарбасига дош бераман ва нолимайман. Ўзим танлаган йўлдан олға бориш орқали ҳасадгўйлардан ўч оламан...».

* * *

«Ўз жонини сақлашга тиришиш — энг буюк эзгулик. Табиат инъомини қарангки, ҳамма ўзига фақат яхшилик истайди».

Наима КАРИМОВА,
Тошкент банк коллежи инглиз тили ўқитувчиси.

КЎНГИЛ МУЛКИ

ОТА ҚЎРҒОН ЭКАН...

...Баҳорнинг гоҳ қуёш бир чарақлаб, гоҳида осмон қовоғини муштдек уйган, гоҳида ёмғир томчилаб, гоҳида шаррос қуйиб ариқларни сувга тўлдирган кунларидан бири эди. Кўз илғамас, туғамас ташвишлар тўридан бир силтаниб чиқдим-у, ота уйим томон отландим. Яна ўша тотли ҳис: қишлоғимиз томон олиб борувчи муюлишга етганим ҳамон қушдай енгил, дарду ғамсиз одамга айланаман. Ҳар доим кўнглимни минг бир ўйга тўлдириб, адоғсиз "керак-керак" ларнинг гирдобига ғарқ этгувчи юқдан халос бўлгандек бахтиёр сеза бошлайман ўзимни. Ҳозир мен фақат ўзимни, соғлиғимни тилаб яшовчи сўровчиларим билан юзлашаман. Улар на ишим, олиб боражак совға-саломим, на хизматимни йўқлашади. Фақат ва фақат ўзимни соғинишади. Ҳеч бир сўзсиз аламларимни боқишларимдан уқиб олишади. Ташвишларимга сўзламасам-да шерик бўлишади. Бу тоза меҳр, муҳаббатнинг қаршисида қанчалик ўзимни тутмайин, барибир тутдай тўкиламан. Уларга бўлаклаб-бўлаклаб бераман андуҳларимни ва ич-этимни нимадир тирнай бошлайди: "Менинг уларга илинганим шумиди? Ахир ҳадемай яна турмуш аталмиш олам мени олиб кетади-ю, улар кўнглини ағдар-тўнтар қилиб кетганим қолади-ку?" Йўқ бу гал ундай қилмайман!

Шундай хаёллар билан ҳовлимизга кириб бордим. Одатдагидек, зум ўтмай келганим хабари келинлар, укалару жиянларни супага жамлади. Лекин негадир ҳа деганда отагинам эшикдан бўйламас, набираларининг бири қўйиб бири жарчилик қилишдан тинмаса-да, у кишининг овозлари эшитилмасди. Кўнглим совуқ шабаданинг нафасини сезгандек уйга ҳам кирмасдан боғ томон юрдим. Шафтолилар қийғос гулга кирган, отам ўрик соясига қўйилган сўри четида узоқ ўйга чўмиб ўтирардилар. Негадир бир қадам ташладиму, тўхтаб қолдим. Назаримда, тоғдек қомати чўкиб, букилиб қолгандек бир алфоздаги меҳрибоним хаёлан дунёнинг у четидан кириб, бу бошидан чиқаётгандек ўз-ўзлари билан сўзлашардилар. У кишининг шу ҳолати қаршисида турмуш ташвишларига қоришиб ўтаётган кун-тунларимизу катта муаммоларга айлантираётганимиз каму кўстларнинг қиймати бир пулдек эди. Отагинам сўри четидаги духоба кўрпачага омонатгина илиниб ўтирар, асо тутган қўллари дир-дир қалтирарди. Бир зум қаққайиб турдим-да, худди ёшгина қизалоқдек у кишининг бағрига отдим ўзимни. Таниш ҳид, меҳрнинг иссиқ тафтидан юрагим ҳаприқиб кетди. Отагинам титроқ бармоқлари билан сочларимни майингина силадилар, киприкларида ёш айланарди. "Қизим, энди сенга бироз қийин бўлади-да. Нима ҳам қила олардим..." дедилар у киши узуқ-юлуқ овозда. Шу пайт бу гапларнинг маъгзини чақишдан кўра отажонимнинг елкаларига бошимни қўйиб ҳузур қилиш мен учун ғаниматроқдек туюлди негадир.

Шу куни у киши дастурхон бошида ҳам биз билан кўп ўтира олмадилар. "Сизлар гурунглашаверинглар, озгина чарчабман, шекилли..." деганларича, ётоқларига кириб кетдилар. Бу ҳолат биз учун эришроқдек туюлганиданми, зимдан опа-сингиллар кўз ўриштириб олдиг-у, яна гапимиз гапимизга уланганча кунни кеч қилибмиз. "Бобом ухлаяптилар", деди ичкаридан хабар олиб чиқан жиянларимдан бири. Демак, безовта қилмай кўя қолганимиз маъқул. Шу хаёл билан кетишга шайландим. Хайр-хўшларимиз чўзилиб, катта йўл томон бурилсам, отагинам ҳассасига суянганча ҳовлимизнинг бу бурчида турардилар. "Эй, қачон уйғондингиз? — дедим ярим ҳайрат, ярим хижолат оҳангида. — Мен сизни..." Меҳрибоним бир сўз демай, ҳатто гапиришга мажоли етмаётгандек, қўлларини "Яхши бор" маъносида силкиб қўйдилар. Боқишлари шунчалар мунгли, маҳзун эдики, юрагим зирқираб кетди. Бир неча кун ана шу нигоҳлар кўз ўнгимдан нари кетмади. Қизиқ, бир пайтлар бузрукворим мисоли тоғдек эди, толиқсак суяр, бошимизга не кўргулик тушса, кўкрагини кериб туриб берардилар. "Отамга айтаман!" дердим болалик чоғларим укаларим ғашимни келтирса. "Отам бор-ку!" дея орзу-ҳавасларга чеку чегара қўймасдим ёшликнинг гапига кириб, ҳатто бошга ташвиш тушса, болаларим дардини ҳам етаклаб бораман отам томонга.

Отагинам ҳаммасига туриб берибди, кўтарибди, юкимни енгиллатибди. Лекин мен бузрукворим қароқларида қотиб қолган оҳни ўқий олмабман. Бу боқишлар видолашув изҳори экан, энди билсам. Бугун негадир ранжисам, дунё тор келгандек чигалликлар домида қолсам, тграмда айланаётган жумбоқлар ечимини, тилсимлар калитини топа олмай аросатда қолсам, хаёлан қаршимда ўша боқишларни тикламоққа уринаман. Ҳеч бўлмаса, тушларимда кўраман меҳрибонимнинг сиймоларини ва, биламанки, энди азобларнинг адоғи кўрина бошлайди. Амин бўламанки, ота зоти оламдан ўтиб кетса-да, қўрғон бўлиб қоларар экан болалари учун!

Ойбуви ОЧИЛОВА

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

«Қизим Дилнозани икки ярим яшарлигида кўзи қизариб оғриганида, поликлиникага олиб бормасдан ўз билганимча қарадим. Эртаси куни у кўзини очолмай қолди. Бундан қайнонам хавотирга тушиб, «тез ёрдам»ни чақирди. Зудлик билан касалхонага ётқизишди. Уч ой муолажа олди. Шу-шу етти ёшигача қайта-қайта даволанди. Охири Дилнозанинг кўзини дўхтирлар жарроҳлик йўли билан ўз ҳолига қайтаришга мажбур бўлди. Оқибатда, мактабни ҳам нариданбери битказди. Сўнг ўқишини давом эттиролмади. Ўзи уй юмушларини бекаму кўст уддалайди. Ниҳоятда меҳрибон, очиққўнгил. Отаси иккимиз унинг келажагини ўйлаб жонимиз илҳақ. Якинда бир олий маълумотли, бўйи-басти келишган, соппасоғ йигит совчи қўйди. Сўраб-суриштирсак, у бизнинг уй-жойимизга қизиққан экан. Бор умидимиз энди сизлардан. Дилнозанинг **ёши 30 да.** Унинг ёшига мос, тақдири ўзиникига ўхшаш, қизимни умрининг охиригача қадрлайдиган инсонни ичкуёв қилмоқчимиз.

ОЙША хола,
Тошкент шаҳри».

«Ойгул — холамнинг ўгай қизи эди. Холам билан бизникига меҳмонга келса, қўли қўлига тегмай, онамга кўмаклашарди. Бир куни девор чангини артаётиб, уйнинг тўрида осиғлиқ турган раҳматли бобомнинг катта портретини туширib юборди. Катта ойна чил-чил синиб, унинг қўлини кесиб кетди. Ўшанда жонҳолатда қўйлагимни ечиб, шартта йиртиб-йиртиб қўлини боғлаган эканман. Онам мени ёнларига чақириб, «Рустамжон, бу Ойгулнинг жони оғридими ё сенинг, бугун кун бўйи туз тотмадинг. Ё чин дилдан ёқтириб қолдингми, айтавер», деса бўладими? Нима дейишимни билмай, ер чизиб қолдим. Акамга баҳона топилди. Бир куни акам Ойгулнинг отаси узоқ қариндошининг ўғлига эрга бермоқчи эканлиги ҳақида гап топиб келди. У «Ҳой бола, ўлдим-куйдим, деб тағин қуруқ қолмагин, ёрдам берсам, мотоциклинг менинки бўларди», деб қўшиб ҳам қўйди. Мен бу шартга кўндим. Акам отаонамни совчиликка кўндирди. Холам аралашди. Ниҳоят, тўйимиз ҳам бўлди. Икки ўғил, уч қизли бўлдик. Фарзандларимиз ҳамма ҳавас қиларли даражада вояга етди. Эндигина ўғилларимизни уйлантирдик деганимизда... Ойгул автоҳалокатга учраб, дунёдан ўтди. Бу машъум воқеага ҳам 7 йил бўлди. У орзу қилганидек, қизларимизни эгаларига топширдим. Ёлғизлик ёмон экан. **Ёшим 68 да.** Фарзандлари ташвишидан қутилган ёки бефарзанд аёл учраса, хабар берсангизлар.

ҲОСИЛБОЙ ота,
Хоразм вилояти».

«Севара маҳалламизнинг олд қизларидан эди. Уни кўз остимизга олиб қўйгандик. Тошкентда ўқиётган ўғлимиз Нодирга мақсадимизни айтдик. Ўғлимизга ҳам маъқул тушди. Онаси тонгда Севараларникига совчиликка боришимизни билдириб келди. Совчилар иззат-ҳурматда хушхабар билан қайтишди. Тўй қилдик. Келин ўйлаганимиздан ўн чандон зиёда экан. Пазанда, қўлигул чевар. Онаси иккимиз меҳримиз тобланиб «қизим» деб чақирардик. Иккиқат бўлди. Қайнонаси еру кўкка ишонмай, авайлади. Аммо, ой-куни етган кунда бир яқин қариндошимиз қазо қилиб, уйда бўлмаганмиз. «Дард»и тутгач, туғруқхонага олиб кетишибди. Минг афсуски, дўхтирлар келинимизнинг ҳаётини сақлаб қололмади. Неварамиз исмини Ёдгора қўйдик. Ўғлимиз уч ярим йил деганда тақдирга тан бериб, қайта уйланишга рози бўлди. «Оила ва жамият» газетаси саҳифасида 29 ёшли қиз ҳақида ўқиб, таҳririятга қўнғироқ қилдим. Сўнг зудлик билан ўғлимнинг ҳужжатларини хат орқали юбордим ва ниҳоят, Нодиранинг телефон рақамини олдик. Ўғлим иккаласи учрашди. Бизларга ҳам маъқул бўлди. Неварамизни бермоқчи эмасдик, лекин келинимизнинг меҳрибонлиги кўнглимизни юмшатди. Ёдгорамиз «она»сини тогди. Сизлардан бир умр миннатдормиз.

ОТАҚУЛ,
Самарқанд вилояти».

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

«ЎКТАМХОН-НУР»
ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пиширириқлар — 2 ой (амалиёти билан).
Пиширириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёти билан).
Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).
Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
Сартарошлик — 3 ой (амалиёти билан).
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
Каштачилик — 3 ой (машинкада вишивка).
Тўқувчилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой
Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ **Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади.** ■ **Ётоқхона мавжуд.**

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Таҳririятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳririят жавобгар эмас.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46
Котибият: 233-04-35

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 532. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 10875
Навбатчи муҳаррир — **Фаррух ЖАББОРОВ**
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Феруза РАҲМОНҚУЛОВА**

ISSN 2010-7609 2345